

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЯТИ КАФЕДРАСИ

**ОЧИЛОВА САБОҲАТНИНГ**

5141600- БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ ТАРБИЯВИЙ ИШ  
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ  
УЧУН «БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ УМУМИНСОНИЙ  
ҚАДРИТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ»  
МАВЗУСИДАГИ

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Рахбар: Ё.Соипназаров

ГУЛИСТОН – 2012

## Мундарижа

**К И Р И Ш**.....3

**I боб. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ УМУМИНСОНИЙ  
ҚАДРИТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ** .....

1.1. Умуминсоний қадриятларнинг моҳияти, жамиятдаги ўрни.....

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида  
тарбиялашнинг принциплари ва усуллари .....

**II боб. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ УМУМИНСОНИЙ  
ҚАДРИТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ –  
АРОИТЛАРИ**.....

2.1. Ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашнинг  
моҳияти.....

2.2. Тажриба- синов натижалари .....

**ХУЛОСА ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР**.....

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**.....

## Кириш

*Муаммонинг долзарблиги.* Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ривожланган давлат сифатида ўрин олиш вазифаси қўйилди. Албатта юртимизда жаҳон талабларига мос келадиган, ҳар томонлама ривожланган, ўз касбини пухта эгаллаган, ватанпарвар фидойи инсонларни тарбиялаб етиштиришда таълим муассасаларида ўқитишни янада юксак босқичга кўтариш, унинг тарбия билан уйғунлигини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Шу сабабли Президентимиз Ислам Каримов таълимдаги ислохотларга катта эътибор билан қаради. “Шу ўринда ҳақли савол туғилади, – деган эди юртбошимиз, бизнинг ўрта, ўрта махсус ва олий мактабларимиз касб маҳорати ва маънавий-маърифий, умумбашарий жиҳатдан ана шундай замонавий соҳаларда ишлайдиган ёшларни тайёрлашга қодирми? Менимча унчалик тайёр эмас. Халқ таълими янгича шароитларда ўз ишини ниҳоятда секинлик билан қайта қурмоқда. Жаҳон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий тараққиёт суръатлари халқ таълимининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Бинобарин, бу ҳол тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга комплекс ёндашишни тақозо этмоқда”<sup>1</sup>. Баркамол инсонни тарбиялашда умумбашарий кадриятларимиз, маънавият соҳасида белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун ўтган давр ичида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан жуда катта ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан 1994 йилда Президентимизнинг “Истиқлол ва маънавият” тўплами чоп этилди. 1994 йил 23 апрелда Президент томонидан “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида”ги, орадан икки йил ўтгач,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. №-жилд. Т.; “Ўзбекистон”, 1996. 16-бет.

яъни 1996 йил 9 сентябрда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармонлар эълон қилинди.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да халқимизнинг умумбашарий қадриятлари, маънавияти масаласига, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга жуда катта аҳамият берилган. Шунингдек “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” даги узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишларида “Миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш”<sup>2</sup> алоҳида белгилаб кўйилган. Бу ҳужжатларга биноан Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1997 йилдан бошлаб барча Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида “Маънавият ва маърифат асослари” махсус курсини ўқитиш тўғрисида Қарор қабул қилинган.

Таълим муассасаларида ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш масаласига эътибор берилаётган бўлсада, бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Тадқиқот ишлари, илмий изланишларда кўпроқ таълимий муаммолар, янгича ўқитиш технологиялари мавзулари устида баҳс юритилмоқда. Аслида, ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш биринчи масала даражасига олиб чиқиш, мақсадга мувофиқдир. Чунки жамият равнақи учун фақат назарий билимларга эга бўлган, механик машина сингари вазифаларини бажарувчи касб эгалари эмас, балки, энг аввало чуқур ҳис-туйғули, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахслар зарур. Ўқувчиларни мустақил, эркин

<sup>2</sup> Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.; “Шарк”, 1998, 45-бет.

фаолияти орқали ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш билангина бундай шахсни ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларилаш мумкин.

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналаримиз, ахлоқ-одоб, маданиятимиз қайта тикланиб, таълим-ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари мазмунининг асосига айланди. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод ўз миллий қадриятларини, ахлоқ-одоб маданиятини ўзлаштириши ва уларга ҳурмат билан қараши лозим. Шундагина у ўз юртининг ҳақиқий вакили деган улуғ унвонга эга бўлади.

Ўзбек халқи тарихан ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш соҳасида ўзига хос дорулфунун яратган. Бу борада халқ педагогикаси бой тажрибага эга. Бугунги кундаги ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш мақсад ва вазифаларини ҳал этишда унинг ўрни бекиёсдир.

Кейинги йилларда ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш анъаналарига оид муаммолар юзасидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Педагог олимларимиз томонидан яратилган бир неча рисола, қўлланма, илмий-тадқиқот ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Р.Ҳ.Жўраев, П.Ҳолматов, Ш.Шарипов, Б.Рахимов, У.Нишоналиев, Н.Саидахмедов, Ў.Толипов, С.Нишонова, Р.Сафароваларнинг тадқиқот ишлари шулар жумласидандир. Ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашнинг усул ва воситалари муаммосига бағшланган тадқиқот ишлари кўплаб учрасада, аммо улар асосан катта ёшдаги ўқувчи ва талабалар ўртасида ушбу муаммонинг ечимини топишга қаратилган. Лекин, кичик ёшдаги ўқувчиларни ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда қўлланиладиган усул ва воситалар ҳақида яхлит бир тадқиқот иши қилинган деб бўлмайди.

Қолаверса, кейинги йилларда ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга нисбатан таълимга эътибор кучайиб бормоқда. Муаммонинг долзарблиги, назарий-педагогик ва амалий ҳолатидан келиб

чиқиб, биз битирув малакавий ишимизнинг мавзусини “Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш” деб олдик.

Тадқиқот ишимизнинг **мақсади** – Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот ишимизнинг **объектини** – Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш тизими, унинг **предметини** – бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш жараёнида қўлланиладиган самарали усул ва воситалари этиб олдик.

Муаммонинг долзарблиги, мақсади, объект ва предметдан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишимизнинг қуйидаги **вазифаларини** белгилаб олдик:

- бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялашнинг мазмуни, мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялашнинг қўлланиладиган самарали усул ва воситаларини таснифлаш;
- бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялашнинг самарали усул ва воситалари таъсирида кичик ёшдаги ўқувчи шахсини аниқлаш йўлларининг педагогик шарт-шароитларини назарий ва методик жиҳатдан асослаш;
- Тўпланган назарий-методик маълумотлар ва тажриба-синов натижалари асосида услубий тавсиялари бериш.

Тадқиқот ишимизнинг **базаси** бўлиб, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 11-ўрта мактабининг 3-4 синфлари хизмат қилди. Тажриба-синов ишларимизда 12 та 3-4 синф ўқитувчилари ва 59 та 3-4 синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Тадқиқот ишимизнинг **назарий аҳамияти** шундан иборатки, биз унда ўқувчиларини умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялашнинг мақсад ва

вазифаларини, уни амалга оширишнинг самарали восита ва усулларини очиб берилади. Ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашни узвийлиги, воситаларини тажриба-синов ишлари натижалари билан асосладик.

Белгиланган тадқиқот мақсади ва вазифаларини ҳал этиш битирув малакавий ишимизнинг мазмунини ташкил этади. Битирув малакавий иш ўз ичига кириш, икки боб, унинг тўрт фасли, хулоса ва методик тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини олади.

## **I боб. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.2. Умуминсоний қадриятларнинг моҳияти, жамиятдаги ўрни**

Мустақиллик меваси бўлган , биз қураётган ҳукукий , демократик жамиятнинг маънавий биноси мустаҳкам булиши керак . Бу эса аввало , авлодни чуқур билимли, теран фикрли уз ўтмиш дурдоналаридан ва маънавий қадриятларидан хабардор , ватанпарвар , халқпарвар , фидойи килиб тарбиялашни такозо этади . Комил инсон шахсини тарбиялаш иши эса энг мураккаб қийин жараёнدير . Бу жараённи амалга оширишда улар онгига миллий ва маънавий қадриятларни сингдириш мақсадга мувофиқдир . Демак , ёш авлод қачонки ўз тарихини , маданиятини , миллий қадриятини , тилини , динини ва урф-одатларини мукамал билгандагина мустақилликнинг туб моҳиятини янаям чуқурроқ англайди .

Миллий истиклол мафқураси ҳам ана шу миллий қадриятларга асосланиб яратилиши бежиз эмас , албатта . Бу борада Президентимиз И.Каримовнинг « Хар бир фуқаро аждодларимизнинг бебаҳо мероси , миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб булишга эришиш , юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш , уларни яратувчанлик ишларида даъват килиш , шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш - миллий истиклол мафқурамизнинг бош мақсадидир»- деганлари айни муддаодир .

Президентимиз И.А. Каримовнинг бир қанча асарларида, «Таълим тўғрисида» ги қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа манбаларда Республикамиз ёшларини қандай инсонлар қилиб ўқувчиларнинг кизиқиш ва қобилиятлари лозимлиги аниқ белгилаб берилган.

Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашадан асосий **мақсади** - ёш авлодни ҳар

томонлама етук, жамиятимиз тараққиёти учун зарур бўлган баркамол инсонлар этиб шакллантиришдир. Баркамол инсон ўзида маънавий ва жисмоний етукликни мужассам этади. Ёшларимизни қадриятлар асосида тарбиялаш учун биринчи галда шарқ мутафаккирларининг мерослари дастури амал бўлиб хизмат қилади. Ал-Фаробий, А.Яссавий, Б.Нақшбандий, Ал-Бухорий, Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Фирдавсий, А.Темур, А. Навоий ва Бобур сингари жаҳонга таниқли бир неча ақл эгаларининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларига таяниб иш кўрилса ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари таъсирчанлиги янада мукамаллик касб этади.

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, маънавий қадриятлар ва истиқлол истикболи ҳамда мафкуравий онг , яшаш тарзи ҳақида, яъни авлодлар муштараклиги тўғрисида фикр юритар эканмиз , уни уч тоифага бўлиш лозим :

Кекса авлод истиқлолни ардоқлаб шундай эркин ва озод кунларга етиб келгани учун шукроналар айтаётган булса , урта авлод талабчан , очиғини айтиш керакки , ҳаётда уз урнини топаётир , айрим холларда , истеъмолчилик кайфиятида ҳам елиб югурмокда , ёш авлод эса ҳаётга фаол кириб келмокда , уларнинг яшаш тарзи тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг алоҳида урни ва ахамияти борлигини таъкидлаш мумкин ва Айни пайтда , уларнинг ҳаётдаги маънавий-маърифий ўзгаришларни , яъни мафкуравий талабларни идрок этишдаги бурчи ва масъулиятини англаш туйғуси тобора усаётганлига гувоҳмиз .

Хуш , маънавий қадриятларимиз хусусида шарқ мутафаккирларимизнинг илмий , маърифий мероси борасида ёшларимизнинг тасаввур ва билим даражаси қандай ? Қайд қилиш лозимки ўрта асрлар уйғониш даври , бунёдкорлари булмиш алломалар бизнинг аجدодларимиз эканлигидан фахрланамиз . Бу борада Ибн

Синонинг маънавий меросида катор муаммолар тизимида ахлоқ-одоб масалалари эътиборли салохиятга эгадир . Унинг «Бурч хакида рисола» , «Ахлоқ хакида рисола» , «Инсоф хакида рисола» каби асарларида ахлоқ-одобнинг гоят муҳим қирралари баён этилган .

Мутафаккирларнинг асарларида, жумладан « Тадбири манзил» рисоласида ҳам инсон табиати азалдан ахлоқли ёки ахлоқсиз булмайди , деган гоё муҳим аҳамият касб этади . Аслида одамлар тайёр фазилат , одат ва ҳаётини кўникмалар билан туғилмайдилар. Бундай хусусиятлар уларнинг ижтимоий ҳаётида шахсий ва ўзгалар тажрибаси , аждодлар анъаналари , таълим-тарбиянинг фаол таъсири остида аста-секин шакллана боради . Таълим-тарбия ўзгаларнинг маънавий таъсири остида инсон узида ижобий ахлоқий фазилатларни шакллантиради ёки «ёмон дустлар» яъни салбий одатлар сохибига айлана боради .

Жаҳонда XII асрдан бошлаб ханузгача алгебра фани асосчиси сифатида Ал-Хоразмий номи улуғланади . Ҳозирги замонда космик кемалар, ҳаво транспорти , ҳисоблаш техникаси , ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлар алгоритми қоидаси асосида ишлайди .

Абу Наср Фаробий инсон аклий ва ижодий фаолиятининг такомиллашувида муסיқий оҳангларнинг физикавий ҳолатига асос солди .

У Муққанининг математик назариясини яратди .

Бундай яратувчанлик миллий ва маънавий қадриятларимиз сифатида улуғланар экан , уларни ўрганиш , ўзлаштириш ёш авлоднинг муҳим бурчи бўлмоғи керак .

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, бу ёш авлоддан миллий гоё асосидаги тафаккур , чуқур билим ва ихтисосликни талаб қилмоқда . Унинг негизи- миллий қадриятларимиздир. « Янгича яшаш , озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт қуриш туйғуси эса ёш авлод олдига кекса авлодга қараганда масъулиятлироқ вазифаларни қўймоқда . Хусусан , онг ва

тафаккур ҳамда маънавий кадриятлардаги узгаришлар ҳаёт талабидан орқада қолаётганлиги маънавий салоҳиятдаги қусурлар билан боғлиқдир. Шундай қилиб, **кадриятлар**-ҳаракат усули, методикаси ва унинг индивидуал етимга айланиши учун шарт-шароит яратиш деган маънони билдиради. Мустақиллик миллий маънавиятимизнинг заминини ташкил қилувчи «кадриятлар», «миллий истиқлол», «миллий ифтихор», «миллий ғурур», «миллий онг» каби тушунчаларнинг ижтимоий сиёсий ва кундалик ҳаётимиздаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тиклаб берди. Бу бизнинг маънавий ҳаётимизда қўлга киритган катта ютуқларимиздандир.

Хуш, кадриятлар ўзи нима? Уларнинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? Энг аввало, шуни қайд қилиш керакки, кадриятлар жуда сермазмун ва кўп қиррали тушунчадир. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчанинг моҳиятини ифодалашда турлича ёндашувларни учратишимиз мумкин. Масалан, «Фалсафий энциклопедия»нинг бешинчи жилдида кадриятлар қуйидагича тавсифланган: «Кадрият фалсафий ва социологик тушунча. У, биринчидан, бирор объектнинг ижобий ёки салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив, белгиловчи—бағишловчи жиҳати (субъектив кадриятлар ёки онг кадриятлари)ни ифода этади. Шунга кўра объектив (ашёвий) ва субъектив (онг) кадриятлари бир биридан фарқланади»

Мазкур манбада ёзилишича, табиий бойликлар ва табиат ҳодисалари (булар яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан баҳоланади) меҳнат маҳсулларининг истеъмол қиймати (умуман фойдалилик); ижтимоий ҳодисаларда мужассамлашган ижтимоий эзгулик ва ёвузликлар; тарихий ҳодисаларнинг прогрессив ёки реакцион аҳамияти, ҳозирги замон кишиларининг бойлиги сифатида намоён бўлувчи мозийннинг маданий мероси, илмий ҳақиқатнинг фойдали самараси ёки назарий аҳамияти, кишиларнинг ҳатти ҳаракатларида ифодаланувчи ахлоқий, яхшилик ёки ёмонлик, табиий ва ижтимоий объектларнинг ҳамда санъат асарларининг

эстетик жиҳатдан тавсифланиши, саждагоҳлар, диний ибодат буюмлари ва бошқалар ашёвий қадриятларга киради

Онг қадриятларига норматив тасаввурлар (яхшилик ва ёмонлик адолат, гўзаллик ва хунуклик ҳақидаги, тарихнинг маъноси ва инсоннинг вазифаси ҳақидаги тасаввурлар, идеаллар, ҳаракат меъёрлари ва тамоойиллари тарзида ифодаланган ижтимоий кўрсатмалар ва баҳолар, талаб ва таъқиқлар, мақсад ва лойиҳалар киради.

Қадриятларни мазмуни ва характериға кўра прогрессив ва реакцион типларға ажратиш мумкин» Бу эса, мазкур категорияни ўта сиғимдор қилиш билан бирға уни изоҳлашни мушкуллаштиради. Турли чалкашликлар келтириб чиқаради.

Шу жиҳатдан таниқли файласуф олим В.П.Тугариновнинг фикри эътиборға лойиқдир: «Қадриятлар муайян жамият ёки синфға мансуб кишилар турмуши ва маданиятининг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамият ҳодисаларининг моҳияти (ёки ҳодисанинг бир жиҳати)дир. Бу неъматларнинг қадриятлар дейилишиға сабаб кишилар уларни кадрлайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади. Шунинг учун ҳам кишилар ўз тасаввурларидаги қадриятларни химоя қиладилар ва ўзлари учун мақсад ёки идеал бўлган қадриятларни амалға оширишға интиладилар.

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда, қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради. Қадриятларнинг бошқа турлари, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир».

В.П.Тугаринов «қадрият» ва «баҳо» тушунчаларини бир биридан фарқлаш зарурлигини уқтиради. У ёки бу ҳодисани қадриятларға мансуб ҳисоблаш, яъни уни қадриятларға кўшиш ёки кўшмаслик ана шу муносабатға, ижобий ёки салбий баҳоға боғлиқ.

Ёш авлодни ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини шакллантириш – бизнинг бурчимиздир.

## **1.2. Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашнинг принциплари ва усуллари**

Давлатимизнинг мустақилликка эришуви таълим ва ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларининг миллий шаклларини ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб берди. Ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари - маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжлари назарда тўтган ҳолда, ўқитувчиларнинг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқатидир.

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда унинг моҳиятини тушуниб етиш керак. Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Жумладан, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йуқ жойда бирон нарсанинг кадр қиммати ҳақида сўзлаш бемаънилиқдир. Шунинг учун ҳам инсон кадр қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлиғини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг, ислохотларнинг барчаси кишилар ҳаёти тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

**Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар катта аҳамият касб этади.** Табиий қадриятларга ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киреди.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон замини хилма хил қазилмаларга бой. Ер юзасига яқин ётган қазилмаларнинг аксарияти очилган ва улар халқ хўжалиги, фан ва техника тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Шу билан бирга

хали очилмаган, руёбга чиқмаган конлар ҳам кўп. Бу конларнинг жуда оз қисми бевосита ер юзига чиққан бўлса, аксарияти ер ичкарасида яшириниб ётибди.<sup>3</sup> Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган табиий хом ашё уюмлари «фойдали қазилмалар» Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, унинг асосий қадриятларидандир. Ўзбекистон беҳисоб табиий бойликларга, қулай жуғрофик муҳитга эга.

Табиат табиий ресурслар манбаидир. Табиий ресурслар, яъни ёнилғи, ҳар хил металллар, рудалар, ҳаво, сув, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси бўлмаса инсоният яшай олмайди. Табиат биз учун моддий неъматларнинг бош манбаи сифатида ҳам, соғлиқ, шодлик, турмушга меҳр-муҳаббатнинг ва ҳар бир кишидаги маънавий бойликларнинг битмас туганмас омили сифатида ҳам ўзининг ғоят зўр аҳамиятини ҳеч қачон йуқотмайди.

Она Ер кишилар учун моддий неъматлар манбаи, дастлабки меҳнат воситаларининг хазинасидир, инсоният тараққиётининг бешигидир. Ердан инсон ўзи учун зарур нарсаларни ундиради. Ер инсонни боқади. Таниқли инглиз иқтисодчи олими Вильзм Петти айтганидек, меҳнат бойликнинг отаси бўлса, Ер унинг онасидир. Инсоннинг кундалик ҳаёти ва севинчлари ҳам Ер туфайлидир. Шундай экан, инсон учун ғоят даражада муҳим ва зарур бўлган ҳаёт манбаи Ерни қадрламаслик эъозламаслик мумкин эмас!

Зотан, Ўзбекистан Конституциясининг 55-моддасида ёзиб қўйилган: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда уларга биринчи навбатда инсон меҳнати, хатти-ҳаракати, ақл заковати билан яратилган «иккинчи табиат», яъни турли туман моддий бойликлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш кучлари, транспорт

---

<sup>3</sup> Қаранг: Ҳамроев И. Кўз илғамас хазиналар. -Т.:Фан,1990.

воситалари, асбоб-ускуналар, турар жой, мол-мулк, ноз-неъмат ва шу қабилар моддий қадриятлар эканлигини тушунтириш лозим.

Маълумки, моддий қадриятларнинг асосини жамиятимизнинг моддий техника базаси ташкил қилади. Инсоният жамиятининг ҳар бири ўзига хос моддий техника базасига эга. Улар бир-биридан сифат жиҳатидангина эмас, балки миқдор жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Тош ва ёғочдан ясалган содда қурооларни ишлатиш, ёйнинг ихтиро қилиниши ва ов қилиш, оловдан фойдаланишнинг кашф этилиши, металлдан меҳнат қуроолларини яшаш ва бошқа шу қабилар ҳаммаси ибтидоий жамият моддий техника базаси учун характерлидир. Бироз такомиллашган меҳнат қуроолларини деҳқончилик, хунармандчилик ва қурилиш ишларида қўллаш, оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган барча соҳаларда қулларнинг меҳнатидан шафқатсизларча фойдаланиш қулдорлик жамиятининг моддий техника базаси учун хос белгилардир. Шамол ва сув тегирмонларидан фойдаланиш, металлларни эритиш ва уларни қайта ишлаш йўллари яхшилаш феодализм жамиятига тааллуқли моддий техника базадир. Йирик ва кучли машиналарни ихтиро қилиш, ижтимоий ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, янги технологияни жорий этиш, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан ҳар томонлама фойдаланиш индустриал жамиятнинг моддий техник базасини ташкил этади.

Республикамизда тараққий этаётган машинасозлик, металлургия, кимё, иссиқлик энергияси, транспорт ва алоқа, капитал қурилиши, енгил, озиқ-овқат, аграр саноати ва бошқа миллий бойликлар мажмуаси мустақил Ўзбекистон халқининг моддий қадриятларини ташкил этади.

Моддий қадриятларнинг негизини мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларида тенг

ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди

Президентимиз таъкидлаганидек мулкчилик муносабатлари масалаларида яқин вақтлар ичида қатъий ўзгаришлар амалга оширилиши керак. Мулк ўзининг ҳақиқий эгаси қулига ўтишига эришиш зарур. Фақат ана шундагина унинг эгаси ушбу мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун курашади. «Мулкнинг, - дейди И. Каримов, —мулкдорга том маънода хизмат қилишига, унинг мулк эгасига, бутун мамлакатга фойда келтириб, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигига хизмат қилишига эришиш зарур.

Ана шундагина пайдо бўлаётган мулкдорлар синфи ўз мамлакатининг иқтисодиётини мустаҳкамлашдан чинакам манфаатдор бўлади, ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий сиёсий барқарорликни таъминлаш учун барча имкониятларни яратади».

**Инсоннинг ҳаётида маданий-маънавий қадриятлар катта ўрин эгаллайди.** Унга илмий техникавий ва интеллектуал имкониятлар, маориф, таълим тарбия, тиббий хизмат, миллий мерос, турли шаклларда намоён бўладиган маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, халқ хунармандчилиги махсулотлари, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура ва ҳоказолар киради.

Марказий Осиё азал-азалдан илм-фан ва маданиятнинг, адабиёт ва санъатнинг марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлкада етишиб чиққан буюк мутафаккирлар жаҳон илм фани ва маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас асарлари билан ижодий бойитиб, юқори чўққига кўтардилар, унинг кейинги тараққиётига самарали таъсир кўрсатдилар. Бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарканд, Бухоро, Шахрисабз, Хива сингари мухташам шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда.

«Ўзбекистонда юз бераётган прогрессив ўзгаришлар,— дейди И.Каримов, — унинг жуда катта табиий бойликлари, ишлаб чиқариш, илмий техникавий ва интеллектуал имкониятлари, ноёб миллий маданий мероси, халқимиз тарихи ва ҳозирги ҳаёти билан қизиқаётган дунёнинг барча минтақаларидаги сиёсатчилар, бизнесчилар, оддий одамларни ўлкамизга табора кўпроқ жалб этмоқда»

Эндиликда минтақамизнинг бой маънавий маданияти, унинг ноёб миллий қадриятлари, бебаҳо фалсафий ва маънавий мероси халқимизнинг руҳияти, маънавиятини янада юксак даражага кўтариш учун хизмат қилмоқда.

Биз Шарқ цивилизацияси ва маданиятига мансублигимиз билан фахрланамиз, дейди Президентимиз И.Каримов,- Шарқ цивилизацияси ва маданияти эса доимо халқни бўлғуси ўзгаришларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлашга интилиб келган.

Ахлоқий қадриятлар кишиларнинг бир бирларига, ўзлари мансуб жамоага, ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини ифодалайди. Ахлоқ муайян хулқ атвор, одоб, хатти ҳаракат, меъёр, қоида ва тамойиллар мажмуасидир. Ахлоқий тушунчаларга яхшилик ва ёмонлик бурч, виждон, шаън (ор-номус), бахт, адолат, идеал қабилар киради. Инсоннинг оила, жамият, халқ манфаатларини англаб қилаётган ҳар қандай хатти ҳаракати яхшилик категорияси нуқтаи назаридан баҳоланади.

Бурч — кишининг Ватан, халқ, жамоа, оила билан ўзаро муносабатларида ўз олдидаги мажбурият ва масъулиятини сезиши, уларга нисбатан садоқатни ифодалайди. Виждон кишининг хатти ҳаракатига ўзининг муносабатини, кишининг ўз хулқ одоби учун маънавий масъулият ҳиссини ифодалайди.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади.

Миллий қадриятлар - мураккаб ижтимоий руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Ҳар бир руҳан соғлом кишида ўз кадр қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси мавжуд. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолатни кўрамиз. Миллатларнинг ўз ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Миллий қадриятларнинг эъозланиши ва кучайиб бориши зинҳор миллий худбинликка, манманликка олиб келмаслиги керак Шунинг учун ҳам бу масалада хушёрлик, назокат, инсоф, диёнат, бағрикенглик саховат талаб қилинади. Зотан, миллий қадриятларнинг ўзи айна пайтда, минтақавий ёки умуминсоний қадриятларнинг узвий қисми сифатида намоён бўлади.

Минтақавий қадриятлар иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

Минтақавий қадриятларга мисол сифатида Марказий Осиё худудида истиқомат қилувчи ўзбек қозоқ, тожиқ қирғиз, туркман халқларига хос бўлган қадриятларни эслатиб ўтишимиз мумкин. Буюк Турон диёрида униб ўсган мазкур халқларнинг тарихи, тили, маданияти, дини, урф одат ва анъаналарида жуда кўп умумийлик мавжуд. Улар ҳаминша бир бирларига орасини, қуда қудағай бўлганлар, ҳозир ҳам баҳамжиҳат, тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Мазкур халқларнинг иқтисодий, маданий, маънавий, савдо сотиқ муносабатлари жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Қадимдан бир маънавий руҳий иқлимдан нафас олиб келган халқларимиз тарихимизнинг, айниқса, бугунги масъулиятли даврида ақл, заковат ва шижоат, дунёвий салоҳият ва миллий ғурур талаб этадиган бир

паллада яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр оқибатлироқ бўлишлари лозимлигини ҳаётиинг ўзи тақозо қилмоқда.

Минтақавий кадриятлар туркумига Марказий Осиёда ягона иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш, Орол муаммоларини ҳал этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, минтақамизда яшовчи халқларни тиббий, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, бой тарихий, маънавий меросимизни авайлаб асраш қабилар киради.

Умуминсоний кадриятлар миллий ва минтақавий кадриятлардан мазмуни жиҳатдан чуқур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Умуминсоний кадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларига мувофиқ қолади. Шунини таъкидлаш керакки, жаҳондаги бирорта халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умуман жаҳон цивилизациясидан мутлақо ажралган, алоҳида маданиятга эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг маданий маънавий ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Шу сабабли, барча халқларнинг ижтимоий иқтисодий, маданий маънавий ривожланиши, тарихи бир бири билан чамбарчас бўлиб кетган.

Умуминсоний кадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг таракқиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради. Улардан энг асосийлари ер юзиде илм фанини таракқий эттириш, тинчликни сақлаш, ядровий қуролларнинг пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат хом ашёси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, коинотни ва жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради.

Жамиятимизнинг иқтисодиёти, маданияти ва маънавиятининг илгари қараб ривожланишига, миллий ахлоқ, одоб, урф-одат негизларида комил инсонни тарбиялашга, мустақил Республикамизни ҳар томонлама раванқ топтириб, жаҳон цивилизациясига қўшишга астойдил ҳизмат

қиладиган кадриятлар — бу прогрессив кадриятларни ташкил этади. Аксинча, жумхуриятимизнинг олдида турган ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий муаммоларни ҳал этишга тусқинлик қиладиган ҳодисалар реакцион кадриятларга киради.

Шунинг учун ўқитувчи биринчи учрашувга алоҳида тайёргарлик кўриб ўқувчининг дарс тайёрлайдиган хонаси, уйдаги хўжалик ишларига иштироки, нималарга кўпроқ қизиқади, кун тартиби сингари масалалар бўйича фикр юритиши зарур. Баъзи ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари ота-оналарни мактабга келиши учун ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларига хилоф иш тутади. Масалан, «Боланинг папкаси, кундалик дафтари олиб кўйиб, ота-онани айтиб келсанг бераман»-дейдилар. Бундай муомала ота-оналар билан ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари ўртасидаги муносабатни ёмонлаштиради. Оилада бола ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларига салбий таъсир қиладиган омиллар асосан ота-оналарнинг педагогик билимлари етарли эмаслигидан шахснинг ривожланиши қонунларини тушунмаслигидан келиб чиқади. Педагогик ташвиқотнинг барча турлари ота-оналар ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари соҳасидаги камчиликларни бартараф этиши, ўз фарзандларини янада яхшироқ ўрганишларига ёрдам беради. Бу ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари ишларимизни талаб даражсига чиқишда муҳим ўрин тутади [4, 6, 7, 9, 11, 12, 13, 30 ].

## **II боб. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ – ШАРОИТЛАРИ**

### **2.1. Ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашнинг моҳияти**

**Қадриятлар**-ҳаракат усули, методикаси ва унинг индивидуал етимга айланиши учун шарт-шароит яратиш. Қадриятлар инсон маънавий камолотининг муҳим омили ҳамдир. Ҳар бир миллат ривожланишидаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахслар ҳам миллий қадриятлар жумласига киради.

Қадриятларга баҳо беришдан олдин улар юзага келган конкрет тарихий шароитлар, ўша даврларга хос бўлган имконият ва эҳтиёжларни ҳам билмоқ керак. Кечаги воқеаларни бугунги талаб билан ўлчаш мумкин бўлмаганидек, ҳар бир қадриятнинг ижтимоий аҳамиятини билишга муайян тарихий шароитларни ҳисобга олиб ёндашмоқ керак.

Қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш кишиларнинг истиқбол вазифаларини тўғри тасаввур қила билиш имконияти билан ҳам боғлиқ. Жамият аъзоларида етук ижтимоий, миллий онг бўлиши, маънавий камолотнинг юксаклиги қадриятларнинг ривожланиш имкониятларини кучайтирувчи, ижтимоий ва тарбиявий самарадорлигини оширувчи омилдир.

Қадрият ва мерос тушунчалари ўзаро яқин бўлса ҳам улар бир хил маънони билдирмайди.

Қадрият ва мерос бир-бирига узвий боғлиқ бўлишига қарамай, ҳар қандай мерос қадрият бўла олмайди. Мерос тушунчасининг моҳияти қадриятга нисбатан кенгдир. Бундан ташқари, қадрият фақат ўтмишдан қолган меросгина эмас. Ҳозирги кун талаблари, янги шароит ва имкониятлар асосида шаклла-наётган ижтимоий, маънавий, сиёсий ҳодисалар ҳам қадрият ҳисобланади.

Ҳозир Ўзбекистонда миллий истиқлол мафкурасини ривожлантириш учун катта ишлар олиб борилмоқда. Тараққиётнинг ҳозирги вазифалари ва миллат манфаатларига мос келувчи бундай мафкура яратилмоқда. Бу мафкурани яратишда ўтмиш меросидан унумли фойдаланилса ҳам у янги даврда шаклланган қадрият сифатида юзага келмоқда.

Мерос - ўтган авлодлар томонидан яратилган, бизгача етиб келган ижтимоий-маънавий, моддий ҳодисалар, маданий бойликлар, урф-одатлар, маросимлар, ахлоқ нормаларидир. Мерос тараққиёт учун ҳам зарур омил бўлгандагина, қадрият даражасига кўтарила олади.

Мерос билан қадриятларни баҳолаш мезонлари бир-биридан фарқ қилади. Моддий ва маънавий меросни баҳолашда унинг тарихий шаклланиши шароитлари ва имкониятларини ўрганишга катта эътибор берилади. Мероснинг ҳозирги кун учун ҳам бўлган аҳамиятини билиш уни қадриятлар жумласига киритишдир.

Қадрият турлари.

Қадриятлар моҳияти жиҳатидан моддий ва маънавий қадриятларга бўлинади. Инсон кучи, ақли-заковати билан яратилган табиат гўзалликлари, архитектура, санъат ва маданият асарлари - барчаси моддий, яъни ноосфера қадриятлар жумласига киради. Ахлоқ одоб, билим, илм, малака, иймон, инсоф, эътиқод ва бошқалар маънавий қадриятлар. Моддий ва маънавий қадриятлар бир-бири билан боғлиқдир. Улар ўз навбатида, қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

Қадриятларнинг бу турига иқлим шароити, табиат гўзалликлари, миллий-давлат аҳамиятига молик бўлган қўриқхоналар, табиатнинг инсон яшаши, меҳнат қилиши учун зарур бўлган шароит ва имкониятлари киради. Табиий муҳит шароити ва имкониятлари ҳам инсон эҳтиёжлари, яшаш имкониятлари билан тақозоланган тақдирдагина қадрият, деб баҳоланади. Шу маънода олиб қараганда, табиат шароитларини қадрият деб қараш унга

маълум мақсад ва манфаат асосида ёндашаётган инсон томонидан берилган баҳодир. Табиатнинг инсон манфаати асосида ўзлаштирилган, ўзгартирилган қисми ҳам қадриятдир.

2. Анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар.

Бу қадриятлар асосан объектив тараққиёт ва субъектив руҳиятнинг ифодаси бўлиб кишиларнинг ўзаро муносабатларида, турмуш тарзи ва фаолиятида, юриш-туришида, ахлоқи ва одобида кўзга ташланади. Ахлоқ, инсоннинг ички руҳий эътиқоди, одоб эса унинг амалда намоён бўлишидир. Турли урф-одатлар, маросимлар кишиларнинг кундалик турмуш тарзида, ахлоқий қадриятлар эса уларнинг юриш-туриши, ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Маънавий камолотни ўзида мужассамлаштирган инсон ҳам олий қадрият ҳисобланади.

3. Инсоннинг ақл-идроқи ва амалий фаолияти заминида шаклланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва истеъдодларида намоён бўладиган қадриятлар.

Бу қадриятлар инсоннинг меҳнат малакалари, ижтимоий қизиқишлари, меҳнат маҳсулоти турларини яратиш соҳасидаги амалий имкониятлари, билими, истеъдоди ва қобилиятларидир. Рассом кўлинда қалам ушлагани учун эмас, балки тажрибада шакланган билим ва истеъдод эгаси бўлгани учун ҳам буюк санъат асарларини ярата олади.

4. Одамлар ўртасидаги жамоатчилик, ҳамкорлик, хайрихоҳлик, ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларда намоён бўлаётган қадриятлар.

5. Кишиларнинг ёши, касби, жинси ва ирқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

Албатта, қадриятларнинг бу туркумини алоҳида ажратиб олиб қарамаса ҳам бўлади. Лекин инсон ҳаётининг турли даврлари, фаолият соҳаларига назар ташлар эканмиз, бу соҳаларда ҳам эътиборга сазовор бўлган қадриятлар ва уларнинг мезонлари борлигини кўрамиз.

Ёшлар ва кексалар, эркаклар ва аёллар, турли касб эгалари учун хос бўлган қадриятлар ҳам моҳияти жиҳатидан жамият ва инсон камолоти учун хизмат қиладиган маънавиятдир.

Юқорида баён этилган қадриятлар, ўз навбатида, умуминсоний, минтақавий, миллий, диний қадриятларга бўлинади.

Умуминсоний қадриятлар жаҳон цивилизациясининг яхлитлиги, унинг барча босқичлари бир-бири билан узвий боғланганлигининг ифодасидир.

Умуминсоний қадриятлар қандайдир ўзгармас, ақидавий тушунчалар эмас. Даврлар ўтиши, шароит, талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариши билан уларнинг мазмуни, баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради. Лекин бу ўзгаришлардан қатъий назар, умуминсоний қадриятлар одамларни жипслаштирувчи, маълум мақсадлар, ижтимоий, маънавий камолотнинг муайян йўллари учун биргалашиб курашишга, ҳаракат қилишга чорловчи ижтимоий ҳодисалардир. Умуминсоний қадриятлар турли давлатлар, халқлар ўртасидаги кўприк воситасини ўтаб, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чорловчи куч вазифасини ўтайди. Маънавият борасида ҳам умуминсоний қадриятлар барча халқларнинг маданиятини яқинлаштиради ва уларни тезроқ камол топишга имкон яратиб беради.

Умуминсоний қадриятлар инсон маънавий, ижтимоий камолотининг қандайдир алоҳида, бошқалардан ажралган томони эмас. Умуминсоний қадриятлар миллий ва минтақавий қадриятларнинг умумлашган ифодасидир. Умуминсоний қадриятлар бутун инсониятга хос қадриятлар асосида ташкил топади ва ривожланади, улар айна вақтда барча миллий қадриятларнинг бир-бирига яқинлашиши ва ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Инсонпарварлик ғояларига садоқат, демократия, ижтимоий адолат ҳамма ерда барқарор бўлишига интилиш, инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қуймаслик, ҳамма халқларнинг миллий мустақиллик учун бўлган курашларини ҳимоя қилиш, кишиларни дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка чорлаш, ҳамма ерда тинчлик, осойишталик қарор топишига

ҳаракат калиш, атроф-муҳитни тоза сақлаш умуминсоний қадриятларнинг ҳозирги кунда катта аҳамият касб этаётган жиҳатларидир.

Бу қадриятлар бутун инсоният томонидан қўлга киритилган фан, техника, маданият, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш борасидаги янги жиҳатлар, демократия, қонунчилик, адолатни барқарорлаш-тириш борасидаги ютуқлардан ҳам иборат бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш республикамизни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш ишига ҳам хизмат қилади. Бу борада бирор чекинишларга, миллий маҳдудлик ва калондимоғликка йўл қўйиш ниҳоятда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Умуминсоний қадриятлар маҳаллий шароит, имкониятлар, тарихий анъаналар билан боғлангандагина керакли самара беради.

Минтақавий қадриятлар ҳам умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғланган.

Қадриятларнинг бу туркуми бир-бирига яқин бўлган шароитларда яшаган ва меҳнат қилган, тарихи туташ бўлган мамлакатлар ва халқларда учрайди. Бу қадриятлар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Ўрта Осиё халқлари минг йиллар давомида бир-бири билан яқиндан иқтисодий ва сиёсий алоқалар ўрнатганлар. Уларнинг турмуш шароитлари, тили, маданияти, дини, урф-одатлари бир-бирига яқин бўлиши кўплаб умумминтақавий қадриятлар шаклланишига олиб келган. Бу қадриятлар турли жойларда бир-биридан биров фарқ қилсада, моҳият жиҳатидан яқиндир. Меҳмондўстлик, болажонлик, яқин кўни-қўшничилик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, қариндош-уруғлар, дўстлар билан яқин алоқада бўлиш, саҳийлик, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш Ўрта Осиё халқларининг ҳаммасига хос бўлган маънавий фазилатлардир. Гарчанд меҳмондўстлик билан боғлиқ удумлар минтақамизнинг ҳамма ерида кенг тарқалган яхши анъана бўлса ҳам улар турли жойларда бир-биридан фарқ қилади.

Кексаларни, ота-онани ҳурмат қилиш ҳам Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос юксак маънавий бойлигидир.

Кексалар кўпни кўрган, ақл ва идрок билан ҳар ишда маслаҳат бера оладиган, ёшларга катта тарбиявий таъсир кўрсата оладиган кишилардир. Кексаларни ҳурмат қилиш, улардан сабоқ олиш, ҳаёт тажрибасини ўрганиш маънавий камолот учун янги имкониятлар излашга ҳаракат қилишдир. Ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг гапига, панд насиҳатига қулоқ солиш ҳам катта маънавий қадриятдир. Ота-она ҳеч вақт ўз фарзандига ёмонлик раво кўрмайди. Улар ҳаётда кўп оғирлик, енгилликларни кўргани сабабли, фарзандларининг истиқболини ҳам улардан кўра кўпроқ ўйлайдилар, Баъзан ота-оналарнинг насиҳатлари ноқобил фарзандларга оғирроқ туюлади. Бу ҳаётни билмаслик, ҳаётнинг турли жараёнларига енгил-елпи қарашнинг оқибатидир. Фарзандлар ота-онанинг қадрини ўзлари ота-она бўлганидан кейингина фаҳмлаб оладилар. Бу давр ичида улар маънавий камолотнинг кўп имкониятларини қўлдан бой бериб қўядилар. Шунинг учун улкан маънавий қадрият бўлмиш ота-онани ҳурмат қилиш одатини асло унутмаслик керак.

Ота-онага бўлган ҳурмат дунёдаги барча халқларда учрайди. Лекин бизнинг минтақамизда бу қадриятни эъзозлаш бошқа ҳамма жойлардагига нисбатан устунроқ туради. Ҳашар йўли билан уй-жой қуришда, уй жойларни таъмирлашда бир-бирига ёрдам кўрсатиш, етим-есирларнинг, бева-бечораларнинг пешонасини силаш, уларни қариндош-уруғлар ўз ҳимоясига олиб, хору зор бўлиб қолишига йўл қўймаслиги ҳам минтақамиз халқларининг барчасига хос қадриятдир.

Катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган минтақавий қадрият-лардан яна бири - жамоатчилик фикридир. Жамоатчилик фикри одамлар ўртасидаги бир-бирига яқинлик, ўзаро ҳурматнинг ифодаси бўлиб, кенг фойдаланиш мумкин бўлган қадриятдир.

Қадриятларнинг энг муҳим турларидан яна бири - миллий қадриятлардир.

Миллий қадриятлар умуминсоний ва минтақавий қадриятлар билан бирликда мавжуд бўлади. Умуминсоний ва минтақавий қадриятлар миллий қадриятларнинг кўп томонларини ўз ичига олади. Миллий қадриятлар умуминсоний ва минтақавий қадриятлар таъсирида кенг ривожланиш, такомиллашиш имконига эга бўлади. Улар ўртасидаги мунтазам давом этиб борадиган диалектик муносабат жаҳон цивилизацияси ривожланишининг муҳим омилларидан биридир.

Миллий қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарихи, тили, маданияти, ахлоқий ва психологик фазилатлари, яшаш шароити, турмуш тарзи, ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлангандир. Миллий қадриятларнинг ҳар бир кўринишини узоқ тарихий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш орқалигина тўғри тушуниб олиш мумкин.

Миллат мавжуд экан миллий қадриятларнинг аҳамияти асло камаймайди. Миллатларнинг маънавият жиҳатидан бир-бирига яқинлашиб бориши ҳам миллий қадриятларнинг ривожланиш ва амал қилиш имкониятларини камайтирмайди, балки кенгайтиради. Умуман олиб қараганимизда, миллий қадриятлар ҳар бир миллатнинг моҳиятини, унинг муайян мустақил ижтимоий этник бирлик эканини белгилаб берувчи асосий мезонлардан биридир.

Ҳар бир миллат ўз қадриятларини ривожлантириши ва уларга амал қилишида миллий онг, миллий бирдамлик туйғусининг аҳамияти каттадир. Миллий руҳият ва маънавиятдан маҳрум бўлган кишилардагина ўз тили, тарихи, анъаналарига нигилистик муносабатда бўлиши мумкин. Агар шундай аҳвол маълум сиёсат таъсирида кенгайиб борса, миллат бирлиги ва камолоти учун ниҳоятда хатарли бир ҳол юзага келади.

Албатта, ҳар бир халқ ўз миллий қадриятлари қобиғидагина ўралиб қолмаслиги керак. Бундай йўлдан борилганида миллатнинг тараққиёти суръатлари пасаяди.

Миллий маҳдудлик ва миллий калондимоғлик ҳеч вақт маънавий, ижтимоий камолот омили бўлган эмас. Бошқа миллатларнинг кадриятларини ўрганиш ҳамма вақт ҳам тараққиётнинг омилларидан бири бўлиб келган.

Кадриятлар қанчалик бир-бирига яқинлашиб, таъсир кўрсатмасин, ҳар бир миллат учун маънавий камолотнинг асосий йўли ва мезони миллий кадриятлар бўлиб қолади. Бирон миллатнинг яхши урф одатлари, маросимлари қачонки бошқа миллат руҳига, миллий маънавий эҳтиёжи ва талабларига мос келгандагина шу миллат ҳаётида чуқур томир отиш имконига эга бўлади.

Халқларга янги маънавий кадриятларни сингдириш учун аввал, уларга нисбатан эҳтиёж туғдирмоқ керак. Маънавий эҳтиёжсиз, тарихий анъаналарни эътиборга олмай сингдирилмоқчи бўлган кадриятлар миллатнинг ҳаётида маълум ўрин олса ҳам, унинг руҳиятига сингмайди, бинобарин қалбидан ўрин олмайди.

Ҳар бир халқ қадрлаган нарса ёки ҳодиса, биринчи навбатда, унинг миллий маънавияти билан боғлиқ бўлади.

Миллий кадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ҳодиса эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориши, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари ўзгариши билан миллий кадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади.

Умуминсоний, минтақавий, миллий кадриятлар билан бир қаторда, диний кадриятлар ҳам мавжуддир.

Диний кадриятлар ҳам жамиятнинг маълум тарихий давр ва шароитлардаги талаблари, эҳтиёжлари асосида шаклланади.

Диний кадриятлар умуминсоний, минтақавий кадриятларнинг қандайдир алоҳида, бошқалардан кескин ажралиб турувчи соҳаси эмас.

Маълумки, ҳар қандай дин ҳам ҳаёт талаблари, турмуш шароити ва эҳтиёжларидан ажралган ҳолда пайдо бўлмаган. Барча динларнинг келиб

чиқишига маълум тарихий даврлардаги ижтимоий, сиёсий, ғоявий шароитлар, улар билан боғланган эҳтиёжлар сабаб бўлган.

Динларнинг келиб чиқишига асос бўлган сабабларни ижтимоий ҳаётнинг ўзидан изламоқ керак. Реал ҳаёт воқеалари, эҳтиёжлари илоҳийлаштирилганида, моҳияти, содир бўлиши сабаблари илоҳий кучларнинг иродаси билан боғлангандагина диний тус олади.

Ислом дини шаклланаётган даврда Муҳаммад алайҳиссалом араб қабилалари орасида кенг тарқалган кўплаб урф-одатлар, маросимлар, ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга илоҳий тус бериб, уларни янги диннинг ажралмас қисмига айлантирди. Арабларнинг юриш-туриши, одоби ва ахлоқи, оилавий ва қабилавий муносабатлари борасидаги кўплаб қадриятлари ислом динининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Шаърий ҳукмларга кирган ахлоқ ва одоб, ҳалоллик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, дўстлик, биродарлик ҳақидаги кўплаб ғоялар ислом динидан олдин ҳам қадриятлар сифатида сақланиб келган эди. Бу қадриятлар ислом динининг таркибий қисмига айланиб, уларга риоя қилмаслик жамият олдидагина эмас, балки худо олдидаги гуноҳ сифатида талқин этила бошланган. Натижада ислом дини билан боғлиқ бўлган бу қадриятларга ҳам риоя қилишлик масъулияти кучаяди. Дин муқаддас, деб эътироф қилган қадриятларни тан олмаслик, ёки уларга риоя қилмаслик гуноҳ, дўзах сингари тушунчачар билан боғланди. Шундай қилиб, диний тус олган ҳаётий қадриятларга риоя қилишнинг зарурияти ҳам кучайди.

Қадриятларга баҳо беришнинг бош мезони — тарих сабоқлари, тажриба, ҳозирги давр ва истиқлолнинг талаблари эҳтиёжидир.

Қадриятларга ақидапарастлик, қироатхонлик, кўр-кўрона сиғиниш йўли билан эмас, балки соғлом ақл, фан ютуқлари, ижтимоий-маънавий тараққиёт талаблари ва имкониятларига асосланиб ёндошмоқ керак.

Қадриятлар катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Қадриятларнинг моҳиятини билиш, уларга эътиқод, ихлос қўйиш ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантиришда, инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик фазилатларини камол топтиришда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига ўтган ҳозирги шароитда ватанпарварлик тарбияси катта аҳамият касб этмоқда. Ватанпарварлик — ўз ватанини виждонан севиш, унинг тараққиёт йўли ва истиқлолини англаб олиш, манфаатларини ҳамма соҳаларда ҳимоя қилишда фидоийлик намуналарини кўрсатишдир.

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда ўзбек оилаларида, жамоатчилик ўртасида бола тарбиясини амалга оширишда катта тажриба бор. Бу тажриба асрлар давомида синовдан ўтиб, миллий қадриятга айланиб кетди. Бу қадриятлар болаларда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, камтарлик каби хислатларни тарбиялашга ёрдам беради. Миллий педагогиканинг бу борадаги мероси ҳам буюк қадриятдир. Шу сабабли ҳам ўзбек ёшлари ўзининг тарбияси, меҳнатсеварлиги, катталарга ҳурматэътибори, камтарлиги, андишаллиги, ҳалоллиги билан ажралиб туради

Ўзбек қизларини меҳнатсеварлик, камтарлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам катта тарихий анъаналаримиз бор. Номус, иймон, қизлик иффатини юксак тутиш одати ҳам улкан миллий қадриятдир.

Қадриятларга холисона ёндошиш, улардан ижтимоий, тарбиявий масалаларни ҳал этишда самарали фойдаланиш ҳозирги кундаги кўплаб долзарб муаммоларни ҳал этишнинг муҳим шартидир.

Қадриятлар масаласи фалсафий таълимотларда катта ўрин тутиши ҳам уларнинг шу жиҳатлари билан тақозо қилинади.

Бошланғич ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар руҳда тарбиялашни фақат дарс жараёнларида амалга ошириб бўлмайди. Бу жараён бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан кейинги вақтларини тақсимлашларида ҳам асосий ўринни эгаллаши зарур.

Бошланғич синф ўқувчилари мактабда олган назарий билимларини амалиётга дарсдан ташқари ҳолатларда: маҳаллада, оилада, турли хил байрам ва тадбирларда дуч келади. Бошланғич синф ўқитувчиси ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳақидаги дастлабки тушунчаларини ҳам мактабга боргунларига қадар оилада оладилар. Шу боис ота-она ўқувчи мактабга борганда бу вазифани ўқитувчи зиммасига юклаб қўймасдан, унинг оилада бўлган пайтида унга бефарқ бўлмаслиги, унга маънавий билимларини оширишга ва мустаҳкамалашга ёрдам беришлари зарур. Энг аввало, болада ўз оиласига, ота-онасига, опа-сингил, ака-укаларига меҳр-муҳаббатли бўлишини ўргатиш, кейинчалик бу туйғуни кўни-кўшни, маҳалла, туман, шаҳар миқёсига кўтариб, она Ватанга чексиз муҳаббат ҳиссини уйғотиш лозим..

«Бир болага етти кўшни ота-она», - дейишади доно халқимиз.

Демак, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий камолотида кўни - кўшни, маҳалланинг ҳам аҳамияти катта экан. Бошланғич синф ўқувчиси маҳалласидаги дўстлари билан бўш вақтини ўтказди. Унинг дўстлари ақлли, одобли, тарбияли, илимли бўлса, уларга ўхшашга, ҳатто улардан ошиб кетишига интилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг умуминсоний қадриятларни шаклланишида синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган тадбирларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Шу боис ўқитувчи ота-оналар билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилиши ва бу тадбирларга барча ўқувчиларни жалб қилиш керак. Агар тадбирлар фақат аълочи ва жамоатчи ўқувчилар жалб қилинаверса синфдан ташқари ўқувчиларга салбий таъсир

кўрсатиши, уларни руҳиятини тушириши, ҳатто ўқитувчиларни худбинликда айблашлари мумкин.

Ҳар бир бошланғич синф ўқувчисини қобилиятига яраша масъулият юклаш, бу масъулият эса унинг олға интилиши учун туртки бўлишни эсдан чиқармаслик керак.

Бошланғич синф ўқувчиларининг умуминсоний қадриятларни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг газета, журнал, радио ва телвидениянинг ҳам аҳамияти каттадир. Ҳар бир ота-она фарзандининг қандай китоб, газета ёки журнал ўқиётганини, қандай радио тинглаб тамоша қилаётганликларини назорат қилиб туришлари лозим.

Керак бўлса фарзандлари билан ўқиган китоблари, кўрган телекўрсатувлари ҳақида суҳбатлашиб, уларни фарзандлари маънавиятига қандай таъсир қилганлигини аниқлашлари мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар руҳда тарбиялаш куннинг бир қисмида, фақат мактабда амалга оширилмай, у ҳар доим мактабда, оилада ота-она ва ўқитувчилар ҳамкорлигида, уларнинг кўмагида амалга ошириладиган энг долзарб мавзулардан биридир.

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар руҳда тарбиялашда синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган машғулотлар ва тадбирларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир.

Таълим сифатини оширишда синфдан ташқари ишларнинг ўрни беқиёсдир. Айниқса, тарихий бадий қадриятларимиздан фойдаланиш таълим ва тарбиянинг миллий негизларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу маънода умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини маънавий, маданий қадриятлар билан таништиришда синфда, синфдан ва мактабдан ташқарида ўтказиладиган ўқув-тарбиявий тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

Бошланғич синф ўқувчиларини аждодларимиз асрлар давомида шакллантирган миллий қадриятлар ва анъаналарга содақат руҳида тарбиялаш

масаласи ўзбек педагоглари олда турган долзарб вазифалар сирасига киради. Бу борада синфдан ташқари ишларо алоҳида аҳамиятга молик.

Ўқув муассасаларида синфдан ва дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш воситасида ёш авлодни ақлий тарбиялаш масаласи амалга оширилади. Ўқувчи билим сифатининг самародорлигини ошириш, унинг умумбашарий ахлоқ меъёрлари асосида камол топишини таъминлаш кўпинча дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида амалга оширилади.

Дарсдан ташқари ташкил этилган тадбирнинг табиати, характери ва мақсади ахлоқий тарбиянинг маълум йўналиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиши табиий. Ҳар қандай тадбирни ташкил этишдан олдин ташкилотчи ўқитувчи ўз олдига маълум дидактик мақсад қўйиши ва шу мақсадни амалга ошириш учун қилиниш лозим бўлган вазифаларни тўғри белгилаб олиш зарур.

Ҳар йили 9 февралда буюк бобоколонимиз Алишер Навоийнинг таваллуд топган кунлари нишонланади. Бу тадбирни бошланғич синф ўқувчилари иштирокида ўтказиш уларни аъло ўқишга, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб етишишларига имкон яратади.

Ўқитувчи сахна учун Алишернинг ёшлик йилларини мавзу сифатида олса, янада мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Сахна дид билан безатилади. Миллий мусиқа асбобларимиздан фойдаланилади.

А. Навоийнинг болаликдаги қиёфаси ўқувчи иштирокида тикланиб, унинг ўқишга ҳавасмандлиги, Мавлоно Лутфий билан учрашуви ва улар орасида бўлиб ўтган суҳбат сахналаштирилса, ўқувчини ўз устида кўпроқ ишлашга даъват этади.

Бошланғич синф ўқувчилари томонидан Алишер Навоийнинг ўқувчиларни билим олишга, одобли бўлишига, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлишга, доимо халқ манфаатини кўзлашга ундовчи ҳикматларидан ёд ўқиб берилса янада жонланиб кетади.

«Наврўз» умум халқ байрамини нишолашда ҳам юқорида қайд этиб ўтганмиздек кетма-кетликни қўллаш мумкин. Бу байрамни бошқа

байрамлардан фарқи шундаки, унинг бевосита халқ маънавий қадриятларини ўзида мужассамлаштириш, халқимизнинг минг йиллик анъаналарини ўз бағрида камол топдириш билан белигланади.

Саҳнада намойиш қилинаётган адабий композиция булоқ сувларининг шилдираши, бободехқоннинг далага умид билан чиқиши, мамо ерга илк уруғларнинг қадаш, кўк тангрисидан фарзандлари ризқ-рузини сўраб олиш каби воқеалар тасвири билан бошланиб, халқимизнинг мавсумий маросимлари, сумалак қўшиқлари, меҳнат қўшиқлари ижроси билан уланиб кетиши керак.

«Наврўз» байрами тадбирида намойиш қилинажак фальклор асарларини имкон қадар ўқувчиларнинг ўзлари яшаб турган маҳаллалардан, бобо-бувилари оғзидан ёзиб олишни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг муҳимлиги шундаки, ўқувчи аждодларимиз оғзаки ижоди материалларини ўзи тўплайди, маросим жараёнида бажариладиган амалларни ўз кўзи билан кўради. Уларни саҳналаштириш жараёнида ҳам бадиий раҳбарга қийинчиликлар туғдирмайди.

Маҳаллий фальклор материалларидан фойдаланишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бунда иштирокчилар ўзи яшаб турган муҳитдаги миллий анъана ва маросимларнинг, боболари хиргойи қилиб юрадиган қўшиқларнинг нечоғли муҳимлигини, унинг теран, фалсафий мазмун касб этишини англайди, унинг қалбида халқ маънавий меросига қизиқиш, ҳурмат ва муҳаббат ҳисси шаклланади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг бундай тадбирларда бевосита иштирок этиши фақат уларни миллий урф-одатларимиз руҳида тарбиялаб қолмай, уларни қалбида бу анъаналарни давом этириш, бойитиш, келажак авлод учун ўзлари ҳам нимадир қолдириш ҳиссини уйғотади.

Ўқитувчи йил давомида режа асосида бундай тадбирларни кўплаб ўтказиш ва унга ўқувчини маънавий баркамолликка элтувчи мақсадларни сингдириб юбориши зарур. Фарзандга таълим-тарбия бериш аввало оиладан

бошланади. Шу боис оиладаги муҳит, ота-онанинг болага бўлган муносабати оилавий турмуш иқлимига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида жамиятда маънавийтни шакллантиришга замин бўлади. Бола тарбияси ва бошланғич таълимда жамият маънавиятининг аҳамияти катта.

Фарзандларга миллий қадриятлар, хусусан, шарқ алломалари қолдирган бой мерос асосида таълим-тарбия бериш муҳим аҳамият касб этади. Улуғ алломаларимиз асарларида болаларга гўдаклик чоғиданок катталарга ҳурмат, ота-онага алоҳида эҳтиром кўрсатиш, ўзидан кичиклар иззатини ўрнига қўйиш каби ажойиб қадриятларимизга таяниб иш кўришга чақиради. Шу маънода ҳам: «Биз соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак, соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ - одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз», - деб таъкидлайди Президентимиз И. А. Каримов. Болаларга илк тарбия асослари оилада берилади. [11]

Фарзандларга бошланғич таълим беришда таъсирчан куч – оилавий тартиб, яъни уларнинг ўзаро муносабати, ота-онанинг хулқ - атори, маънавий ва сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити ва бошқалардан ибрат бўлади.

Юқоридаги фикрлар қадимдан ўтмиш алломаларимиз томонидан кўп бора таъкидланган ва ҳаётий ҳикматга айланган.

Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларида бола таълим-тарбиясига, дунёқарашининг кенгайишига ва шахси ривожланишига оид қимматли фикрлар кўплаб баён этилган. Халқимизга хос бўлган тортинчоқлик, андиша каби психологик хусусиятларни чуқур англаган улуғ бобомиз инсонни фаол бўлишига, билим эгаллашга ундаб шундай ёзади: Билмаганни сўраб ўрганган олим, Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Яна бир ҳикматида: Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, қатра - қатра йиғилиб, дарё бўлур - деб ёзадилар.

Ҳадису шарифда ҳам қуйидаги ибратомуз фикрлар баён этилган: «Илм эгалланг! Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида-йўлдош, бахтиёр дақиқаларда–раҳбар, қайғули онларда-мададкор, одамлар орасида зебу-зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир», «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», «Бешиқдан то қабрга киргунча илм излангиз», «Ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақшдир». Бу нур маъно фикрлар ҳам болаларга таълим беришда муҳим ўрин тутди.[21]

Халқимиз фарзандларини доимо табиатга меҳрли бўлиш теварак-атроф, сув, ҳаво, тупроқ ҳайвонот оламини асраб-авайлаш, инсонни олий қадрият деб билиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш руҳида тарбияланган. Булар ҳақида ҳам шундай бебоҳо ўғит ва йўл-йўриқлар, умуминсоний аҳамиятга молик фикрлар баён этилганки, улар ҳозирга қадар ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Бошланғич синф ўқувчилари онгида юқоридаги фазилатларни шакллантиришда оила ва педагог ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутди.

Таълим жараёнида мактаб билан уй, педагогик жамоа билан ота-она ҳамжиҳатлиги яхши самара бериши амалда исботланган.

Президентимиз «Туркистон» газетаси мухбирларининг саволларига жавобларида: «Эркин фуқаро-онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини комол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.

Шу боис энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ - ҳуқуқини яхши танийдиган, боқимандаликни ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айти замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир» - деб таъкидланган эди.

Дарҳақиқат, инсон маънавиятининг асосини билим ташкил қилади. Оила тарбияси ўз хусусиятига кўра бошқа ҳар қандай тарбиядан афзалдир. Унинг асосий омили ота-онанинг фарзандларига муҳаббати ва бунга жавобан болаларнинг ўз ота-оналарига меҳру-оқибатидир.

Бола, айниқса, илк ёшларида кўпроқ оиланинг таъсирида бўлади. Оила кичкинтойни аста-секин кичик ижтимоий гуруҳдан катта ижтимоий ҳаётга олиб чиқиш, унга кўникма ҳосил қилиши ҳамда унинг фикр доирасини кенгайтира боришга қодир даргоҳдир.

Бу борада ота-она ва педагог ҳамкорлиги яхши натижа беради.

Бошланғич синф ўқитувчилари ва ота-она маслакдош сифатида фаолият кўрсатадилар. Шу ўринда ўқитувчи ҳам ўз иш фаолиятининг жамият талабларига жавоб беришни текшириб туриш ва янада такомиллаштириши лозим.

Бугунги кун педагоглари янги авлод ота-оналари билан ишлашлари лозим бўлгани боис улар олдида:

- жамият ривожланиши билан ҳам фикр бўлиши;
- оилавий илдизнинг мустаҳкам бўлиши ва педагогнинг оилага таъсири;
- мақсадга эришиш йўлида ота-она ҳамда ўқитувчи ҳамкорлиги;
- ўқувчи тафаккурида миллий онгни шакллантиришда маънавий мерослардан унумли фойдаланиш;
- жамият қонунларига асосланган ҳолда ҳар томонлама етук шахсни камол топтириш каби вазифалар турибди.

Ўқитувчи иш жараёнида оиланинг бугунги кундалик аҳволи ва боланинг ўша муҳитда олаётган тарбияси муҳим ўрин тутилишини назарга олади. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш кераки, оиладаги турмуш тарзи доимо бир хилда бўлмайди, у ўзгариб туриши мумкин. Бу ҳол бола хулқ - атвори ва маънавиятига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бунда бошланғич синф ўқитувчиси оилага ёрдам бериш мақсадида бола ҳолатига ўзини мослаштириб бориши лозим. Шундай оилалар борки, мактаб билан ҳамкорлик қилишга эътиборсизлик билан қарашади, гуёки ўқувчига таълим-тарбия бериш фақат мактабнинг бурчига киради.

Бундай ота-оналар билан ишлаш педагоглардан жуда кўп меҳнат талаб қилади. Ўқитувчи бор имкониятдан фойдаланган ҳолда уларни фаол ҳамкорликка жалб қила билиши ва бу йўлда ўз мақсадига эриша олиши лозим.

Ота-оналарнинг кўпчилик қисми мактаб ҳамда педагоглар билан узвий алоқада бўлиши, мактаб жамоаларини қўллаб-қувватлаш ўз фарзандларининг тўғри ривожланишининг муҳим шартларидан бири деб билишади, бинобарин, бундай ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ҳам ишлаб чиқилган, лекин бу мақсадга тўлиқ эришилди, деган эмас.

Шундай экан, оилада мактабга йўналтирилган ҳамкорликни янада кенгроқ ривожлантириш зарур.

Бунинг учун:

- педагоглар кўп қиррали тажрибаларга эга бўлиши ва янада тушунарли, жалб этувчи усулларни ишлаб чиқиши;
- анъанавий тажриба-алмашинув усулини тўла-тўқис тақдим этиши;
- «Ҳамкорлик фаоллиги» мавзусида ўзига хос дастур ишлаб чиқиш;
- ота-оналар фаоллиги борасида алоҳида изланиш олиб борилмоғи, йиғилишларда оила ва мактаб ҳамкорлигининг натижаларини муҳокама қилиш ва педагогларни бу борада қайта кўриб чиқилган датсурлар билан таништириш лозим.

Бунда ота-оналар йиғинининг аҳамияти катта. Натижада, йиғин аъзолари раҳбарга фақат ўз кўрсатмаларини бериб қолмасдан, айна пайтда, унинг ижросини ўқитувчидан талаб қилишларига имкон бўлади. Шунингдек педагогнинг фаол ота-оналар билан ишлаши қанчалик катта масъулият эканини кўрсатади. Қувонарли томони шундаки, тарбия жараёнида ота-

оналарнинг фаоллиги мактабда ва оила кучоғида ўқувчиларнинг соғлом, билимли ва маънавиятли бўлиб етишишлари учун шароит яратади.

Энг муҳими, бундай ҳамкорликни ёш ўқитувчиларга сабоқ тарзида тавсия этиш мумкин. Шунинг билан биргаликда улар ҳар бир тажрибали педагогнинг билимидан фойдаланиб, ўз ўқувчиларининг ота-оналари билан ишлаш тажрибаларини бойитиб борадилар ва шахсий изланишлари билан педагогика фани ривожига ҳисса қўшадилар.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ривожланаётган жамиятимизга соғлом фикрли авлодни тарбиялаш, умуминсоний қадриятларни шакллантириш учун ота-оналар ва ўқитувчилар ҳамкорлиги муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу йўлда педагоглар ва ота-оналарга қулайлик яратиб берилиши керак, шундагина кўзланган мақсадга тўла эриша олиш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниҳоятда муҳимдир.

Бугунги кунда ўқувчи ёшларни умуминсоний қадриятлар асосида Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти И. Каримов «Оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятлари ва тушунчаларини ҳимоя қилиш, одамларнинг сиёсий ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим» лигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.[1]

Демак, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари-телевидения, радио, газета ва журналларнинг ўрни беқиёсдир. Оммавий ахборот воситалари ёшларни маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш ҳамда шахс руҳиятига таъсир қилишда доимо маърифат манбаи бўлиб хизмат қилаётир.

Маънавий-ахлоқий тарбия оммавий ахборот воситаларининг тарғиботи туфайли авлоддан-авлодга ўтиб, кишиларнинг турмуши, меҳнати мулоқати ва санъатида ўз ифодасини топмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ҳар бир даврда оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси бўлиб келган.

Ҳозирги вақтда ўқувчи ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон қилиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон радиосининг болалар учун тайёрланган дастурлари ўқувчи маънавий дунёсининг кенгайтиши учун ва руҳий оламининг бойишига хизмат қилувчи воситалардан биридир.

Хулоса қилиб шунини айтишимиз мумкинки бошланғич синфларни умуминсоний қадриятларни сингдириш, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида шакллантиришда мактаб, маҳалла, оила, ота-она, педагог ва кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва ҳамкорликда иш олиб боришлари талаб этилади.

## 2.2. ТАЖРИБА - СИНОВ НАТИЖАЛАРИ

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятларни сингдиришда тарбиялашда ҳар бир фанда ўтиладиган дарс мавзуларининг аҳамияти бениҳоят катта эканлиги билан танишдик. Энди биз бошланғич синфлардаги турли фанлардан ўтиладиган айрим дарс мавзуларига тўхталиб, буни амалда гувоҳи бўламиз.

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда ўқиш, она тили, одобнома тарбиялаш дарслари ўз мазмун ва моҳиятига кўра кучли ўқувчиларда аниқлаш воситаларидан саналади. Ушбу фанлар дарс мавзулари, Ватанни мадҳ этувчи, дўстлик, тўғрилиқ, ҳалоллик, жасурлик, мардлик, эзгулик сингари ғояларни илгари сурувчи ўқув материалларига бойдир. Ундаги эртак, достон, ҳикоя, ривоят, мақол, топшириқ, шеър, бадий асар материаллари, матнларда кишининг инсоний фазилатлари юксакларга кўтарилиб, салбий фазилатлар эса қораланади. Ўқитувчи болаларнинг бадий қаҳромонлар ижобий фазилатларидан намуна олишлари, салбий фазилатларидан эса нафратланишлари, уларни карашларини чуқур тушуниб етишлари учун барча миллий ўқувчиларнинг кизиқиш ва қобилиятлари усулларидан фойдаланиши керак.

### **Одобнома дарсидан «Саломлашиш одоби» мавзусида бир соатлик дарс режа-ишланмасидан намуна.**

Дарс Ўзбекистон мадҳияси билан бошланади. Ўқувчилар билан сиёсий савол-жавоблар ўтказилади:

- Ўзбекистон қачон мустақил бўлди?
- Мадрҳия, герб, байроқни таърифлаб беринг.
- Ватан ҳақида шеърлар айтинг.
- Конституция қачон қабул қилинган?
- Конституция моддаларидан айтинг.

**Янги мавзу: Саломлашиш одоби.**

Мавзу асосида маъруза ўқилади.

Саломлашиб юриш - ҳар инсонга қарз ҳам фарз. Салом бериш - ислом динида ҳам суннат ҳисобланади.

«Ассалому алайкум» сўзи арабча сўздан олинган бўлиб, «Мен сизга тинчлик, соғлиқ-саломатлик тилайман» деган маънони билдиради.

Бу сўзни тўғри айта олиш, тўғри талаффуз қилиш зарур. Кичик ёшдаги ўқувчиларга, салом бериш одоби ҳақида тушунча бериш учун ҳам, эртақлардан, мақоллардан намуналар келтиришимиз мумкин.

Салом бериш эртақларда ҳам яхшиликлар келтиришини биламиз. Масалан, «Кенжа ботир» эртагида Кенжа ботир ялмоғизга дуч келади!

- Ассалому алайкум онажон дейди.
- Гар саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютар эдим - дейди ялмоғиз.

Ялмоғиз қандай инсон эканлигини ҳам биламиз. Лекин кейинчалик у Кенжа ботирга ёрдам берди.

Салом ҳақида шеърлар, кўшиқлар, сахна кўринишлар ижро этилади. Ўқувчилар шеърлар ва кўшиқлар айтиб, сахна кўринишларида ҳар хил образларни ижро этиб ўз қобилиятларини ривожлантирадилар.

Дарс якунида салом ҳақида ривоятлар, ҳадислар ва мақоллар айтадилар.

Одобнома дарсларининг мунтазам равишда ўқитиб борилиши ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи, ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари, ақлли бўлиб ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари олишида катта ёрдам беради. Педагог ўқитувчилар учун ўқувчиларни ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларилаш, уларнинг онгини ўстириш, комил инсон қилиб етиштириш жуда ҳам катта масъулият юклайди.

Одобнома дарслари ўқувчиларга турли қизиқиш ва қобилиятларни ёритиб беради ва уларга одоб-ахлоқдан чуқур билим беради.

Кичик ёшдаги ўқувчилар учун одобнома дарси жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар бу дарсга катта қизиқиш билан интиладилар, уни чуқур ўрганадилар.

3- синф «Одобнома» фанидан бир соатлик дарс-режа ишланмаси:

### **Мавзу: Ҳадислар ва ота-онага ҳурмат ҳисси.**

Дарсинг мақсади: ўқувчиларнинг Қуръон ва Ҳадис ҳақидаги билимларини бойитиш, уларни инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилик, ота-онага ҳурматда бўлиш каби эзгу фазилатлар руҳида ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларилаш, виждонига ҳилоф иш тутмасликни уқтириш.

Дарсинг жиҳозланиши: Қуръони карим, Ҳадису шариф китоблари, ахлоқ-ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларига оид манбалар, савол жавоб учун тайёрланган тарқатма материаллар, кўргазмали қурооллар.

#### Мавзунинг қисқача баёни:

Ҳадис нима? Имом ал-Бухорий ким? Унинг номи нима учун дунёга машҳур? Ўқитувчи мавзунинг баённомасида аввало мана шу саволларга жавоб бериши керак. Ҳадис сўзи - арабчада «хабар», «ривоят» каби маъноларни ифодалайди. Ҳадислар ислом шариатида Қуръони каримдан кейин турадиган иккинчи манба ҳисобланади.

Ҳадисларда Ислом динининг имон-этикод, ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, инсоф-адолат, иззат-ҳурмат каби ғоялари улуғланганини кўрамыз.

Кибр ҳаво, ҳасад-адоват, бахиллик, ғийбат, манманлик, ёлғон-хиёнат, фитна-фасод, зулм, дилозорлик каби иллатлар Ҳадисларда кескин қораланади. Ҳадислар Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг турли шароитларда, турли воқеаларга нисбатан айтган сўзлари, кўрсатган йўл-йўриқлари, ўғитларидан иборатдир.

Ҳадисларни йиғиб китоб қилиш Пайғамбаримизнинг вафотларидан сўнг амалга оширила бошлади. Айниқса бу ҳаракат ҳижрий III асрда кенг кулоч ёйди, ҳаётга тадбиқ этилди.

Туркистондан етишиб чиққан буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий Ҳадисларни тўплашда айниқса улкан хизмат кўрсатган. У мелодий 810 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Ўткир зеҳнли, иродаси, Ҳадис илмига, инсонларни тўғри йўлга солишга меҳри туфайли ёшлигиданоқ Ислом оламида машхур бўлди ва чуқур из қолдирди.

Мадина, Ҳижоз, Басра шаҳарларида таҳсил олди. Бир неча йил Нишопур ва Ироқда яшади. Узоқ йиллар мусофирликдан сўнг она юрти Туркистонга қайтган Хожа Исмоил ал-Бухорий 62 ёшида Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанг қишлоғида вафот этади (871 й.).

Исмоил Бухорий кўплаб Ҳадис тўпламлари яратди, лекин уларнинг энг машхур асари «Ал-Жомеъ-ас-саҳиҳ», (ишонарли тўплам) китобидир. Бу китобга муҳаддис барча Ҳадислар ичида энг ишонарлиларини киритган.

«Ал-Жомеъ-ас-саҳиҳ» китобидаги жуда кўп ҳадисларда инсонлар ўртасидаги дўстона муносабатлар, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-хуқуқларини эъзозлаш, меҳр-оқибатлилиқ улуғланади.

Ҳадислардан намуналар келтирамиз:

1. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а) ривоят қилади. У киши: «Оллоҳ Таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир», - дедилар.
2. Муовия ибн Ҳаййида (р.а) айтадиларки, Расулуллоҳдан: «Эй Расулуллоҳ, мен кимга яхшилиқ қилсам бўлади?» - деб сўрадим. «Онагга», - дедилар. Мен яна шу саволни уч маротаба қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ: «Онангга», - деявердилар. Тўртинчи маротаба сўраганимда: «Отангга ва яна яқин бўлган қариндошларингга», - дедилар.
3. Абдулло ибн Аббосдан ривоят қилинди: «Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ

Таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини ҳафа қилса, уни рози қилмагунча Оллоҳ Таоло ундан рози бўлмайди», - дедилар. Шунда бир киши: «Агар ота-оналар болаларга зулм қилса бола нима қилиши керак?» - деб сўради. Абдуллоҳ: «Агар улар болаларга зулм қилсалар ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак», - дедилар.

4. Абу Ҳурайра (р.а) айтадилар: «Расулуллоҳ: Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!» деб уч маротаба такрор қилдилар. Шунда саҳобалари: «Ё Расулуллоҳ кимни айтаяпсиз?» - деб сўрашди.

Расулуллоҳ: «Ота-онасининг иккаласи, ёхуд битталари кексайиб қолган вақтида (уларни рози қилмай) ўзини дўзахга тушишига мубтало қилган кишини», - дедилар.

Ўқитувчи бу ҳадислардан намуналар келтиргандан сўнг унинг мазмун моҳиятини тушунтириб беради. Ўқувчилар билан ушбу ҳадислар ҳақида савол жавоблар қилинади. Улар мана шу мавзуга доир саҳна кўринишларини ҳам ижро этишади. Улар бу саҳна кўринишида ҳам ҳар хил салбий ва ижобий тимсолларни маромига етказиб ижро этишга интиладилар.

Хулоса шуки, ёш авлодни маънавий баркамоллик, гўзал ахлоқ-одоб, меҳр-шавқат руҳида ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларилаш борасида Ҳадисларнинг тутган ўрни беқиёсдир.

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда ўқитувчи яна бир бор мавзунинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга тушунтириб ўтади. Дарсни мустаҳкамлаш мақсадида ўртага мавзуга оид турли саволлар ташлаши мумкин. Ниҳоят, ўқувчиларга ҳадисларни мустақил ўқишни тавсия қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда «Одобнома» дарсларининг амалиётдаги аҳамиятини биз «Одобнома» дарсларида ўтказилган дарслар миқёсида кўриб чиқамиз.

Кўйида биз «1-Сентябр-Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни» ва «Она табиат – гўзаллик манбаи, уни асраш бизнинг бурчимиздир» мавзусидаги дарсларни кўриб чиқамиз.

**Мавзу: «Она табиат – гўзаллик манбаи, уни асраш бизнинг бурчимиздир».**

**Дарсинг мақсади:** Ўқувчиларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш. Уларни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга, яшил бойликларимизни авайлаб-асрашга, жониворларга ғамхўр бўлишга ўргатиш.

**Дарсинг жиҳози:** турли расмлар, харита, тест саволлари ёзилган карточкалар.

**Дарсинг тури:** Ноанъанавий дарс.

**Дарсинг бориши:**

**Ўқитувчи:** - Азиз ўқувчилар, она табиат бир мўжизадир. Унинг беқиёс гўзалликларини – тоғу-тошлар, қир-адирлар, дала-даштлар, қушлар, ҳайвонлар, ҳашоратлар, мовий осмон, Қуёш, Ой, мусаффо ҳаво, умуман, бутун борлиқ нафосатини ҳис этиш инсонга завқ - шавқ бағишлайди. Теварак-атрофимиздаги табиат Ватанимизнинг бир бўлагидир. Шу замин, шу тупроқ, шу борлиқни эъзозлаймиз, унга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлишимиз керак.

Биз чор-атрофни қанча озода сақласак, ҳаётбахш неъмат-сувни исроф қилмаслик, ўсимлигу ҳайвонларга ғамхўр бўлиб, уларни меҳр билан парвариш қилсак, она табиат ҳам биздан ўз муруватини аямайди.

Энди эса болажонлар, сизлар билан табиат қўйнига саёҳатга чиқамиз.

**Биринчи ўқувчи:**

**Иккинчи ўқувчи:**

Баланд тоғлар бизники,

Боғимизга бир қаранг,

Тоғларга йўл олайлик.

Гул очилди ранг-баранг.

Боғларга йўл олайлик.

Тонгда шудринг тушибди,

Гулга чирой кўшибди.

**Учинчи ўқувчи:**

Турналар, ҳай турналар,  
 Пастлаб учингиз.  
 Бизнинг тоғ ва дарёлар  
 Бағрин қучингиз.

(Қушлар тилга киради.)

**Топишмоқ:**

Ола-була қанотим,  
 Ёпинчиғим, банотим.  
 Тожимни бўянг созлаб,  
 Патларимни пардозлаб.  
 Узун тумшуғим билан,  
 Йўл четларин кавлайман,  
 Қурт - қумурсқа овлайман.

**Узун қуйруқ:**

Ола-була қанотим,  
 Тиним билмай учаман.  
 Бошимда кўким қалпоқ  
 Қуйруғим-узун тароқ.

(Қушларнинг ёқимли овози, гулларни ҳам суҳбатга тартади.)

**Биринчи ўқувчи:**

Ҳой, гулбеор – гулбеор,  
 Қанча ўртоқларинг бор?  
 Иккинчи ўқувчи:  
 Чучмома –ун- гулнора,  
 Райҳон, бинафша, лола  
 Тугмачагул, бойчечак,  
 Қизил, пушти гулпечак,  
 Оппоқ наргис, гулхайри,

Боғда ўсади бари.

Ўқитувчи томонидан тест саволлари тарақатилади. Ўқувчилар топшириқни бажарганларича икки ўқувчи иштирокида мусобақа ўтказилади. Улар Ватан ҳақида ким кўп мақоллар билиши бўйича беллашадилар.

Ҳар бир айтилган мақол учун биттадан мева шакли совға қилинади. Мусобақа якунида тўпланган совғалар жамланиб, ғолиб аниқланади ва рағбатлантирилади.

Шундан сўнг тест жавоблари йиғиб олинади ва натижалари эълон қилинади.

Синфга боғбон ота кириб келади. Боғбон ота болалардан Ватан ҳақида шеър, кўшиқлар биласизми, дея сўрайди.

Ўқувчилар шеър, кўшиқлар айтишади. Шундан кейин отахон табиатни асраш ҳақида болаларнинг билимларини синаб кўради. (Бу борада ўқитувчи бир нечта савол ҳам тузади) сўзнинг якунида боғбон ота ўқувчиларга насиҳат қилади:

- Болаларим, табиат бойликларини асранг. Токи бу бойликлар келгуси авлодларга ҳам насиб этсин;
- Мактаб ҳовлиси, кўчаларга дарахт кўчатлари экиб, парвариш қилинг;
- Йилда тўрт марта дарахтларни оқлашни унитманг, ушанда зараркунанда ҳашоратлар уларга камроқ зарар етказди;
- Уйда, синф хоналарида гуллар ўстиринг ва кўпайтиринг;
- Ариқ ва зовурларга ахлат ташламанг. Оқар сувларни тоза сақлаш лозимлигини унутманг;
- Қанотли дўстларимиз - қушлар учун ин донхўрак ясаб, уларни муҳофаза қилинг. Қиш куналарида уларга дон бериб туришни ҳам эсдан чиқарманг.

Ўзбекистон Конституциясининг 50 - моддасида: «Фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига мажбурдирлар» деб белгилаб қўйилган. Бу ҳозирги ва келажак авлодлар олдида ниҳоятда катта

масъулият юкланганлигидан далолатдир. Демак, сизлар ҳам, шуни унитмангки, биз она табиатни қанча авайлаб-асрасак, ҳаётмиз шунча кўркам бўлади. Ундан ташқари, конституциямизнинг 55-моддасида ҳам табиат, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги, бу бойликлар умумхалқ мулки ҳисобланиб, улар давлат муҳофазасида эканлиги ёзиб қўйилган. Демак, она табиат барчамизники, уни авайлаб-сараш ҳам барчамизнинг бурчимиздир. (Боғбон ота ўқувчилар билан хайрлашиб чиқиб кетади.)

Ўқитувчи дарсни она табиатга муҳаббат, ватанни ва ўз миллати билан фахрланиш туйғусининг улуғлиги ҳақидаги сўзлари билан якунлайди:

- Ватан туйғуси она Ватанзимизни қадрлаш, унинг буюклигини тан олиш, душманлардан ҳимоя қилиш, керак бўлса, жонини фидо қилишидир. Ватан туйғуси билан яшашдан боболаримиз уни кўз қорачиғидек асраганлар. Муқаддас ватан туйғуси бизга боболаримиздан меросдир. Сиз ҳам болалар, ўз Ватанзимизни, унинг табиий бойликларини севинг, ҳар бир қаричини кўз қорачиғидек асранг.

Ўқитувчи дарс якунида ўқувчиларнинг олган баҳоларини эълон қилади.

Уйга вазифа қилиб «Она қишлоғим табиати ва экологияси» мавзусида иншо ёзиб келиш.

### **Мавзу: «1 сентябр - Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни»**

**Дарсининг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларни ватанпарвар, довюррак, иродали, ҳалол ва билимдон қилиб, иродали, ҳалол ва билимдан қилиб тарбиялаш.

Дарсининг бориши:

1. Саломлашиш, ёзги таътил тўғрисида сўраш.

2. Янги мавзунини эълон қилиш:

А) Ўзбекистон мадҳиясини ўқувчилар билан ижро этиш;

Б) Мадҳия, Герб, Байроқ ҳақида икки оғиз тушунча-суҳбат

ўтказилади.

«Мустақиллик», «Она-Ватан», «Истиқлол» эркинликка йўғрилган сўзлар! Кишини оромбахш туйғулар қамрайди.

Шу туйғулар заминда ўзлимиз, ўзбеклимиз миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз барча–барчаси жамулжамдир.

Мана, жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганига 15 йил тўлди. Халқимизнинг неча йиллардан бери орзу қилиб келган истаклари руёбга чиқди.

1991 йил 29 декабрда Мустақил Ўзбекистон Республи-камизнинг биринчи Призденти этиб И. А. Каримов сайланди. Эндиликда Юртбошимизнинг олиб бораётган доно сиёсати туфайли барчамиз буюк истиқлол неъматидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик туфайли ўз еримиз, бойликларимизга ўзимиз эга бўлдик. Дунё харитасининг Марказий Осиё региони ўртасига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйиладиган бўлди. Дунёнинг жуда кўп мамлакатлари бизнинг Республикани таниди, тан олди.

Ўзбекистоннинг ўз давлат рамзлари - байроғи, тамғаси, мадҳиясида ўзбек халқининг шон-шарафи, ғурури, тарихи ва орзу-истаклари мўжассамлашган.

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Миллатимизга хос бўлган ажойиб удумлар, аънаналар ёш авлодга сингдириш учун, уларни келажаги буюк бўлган мустақил Ўзбекистоннинг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш борасида хайрли қадамлар дадил ташланмоқда.

«... ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги бўлмайди», - дейди юртбошимиз.

Мустақиллик туфайли Амир Темур тузуклари, Ал-Бухорий ҳадислари, Ат-Термизий, Нақшбандийларнинг адаб дурдоналари, Аҳмад Яссавий хикматларидан ёшларимизни баҳраманд этиш шарафига муяссар бўлдик.

А. Навоий, Хоразмий, Лутфий каби алломларимизнинг таълим-тарбияга оид қарашлари кенгроқ талқин этила бошлади.

Инсон учун энг олий туйғу, энг олий ҳислат бу Ватан туйғусидир. У ҳар қандай инсоннинг киндик қони тўкилган масканини эъзозлашга илҳомлаштиради. Инсон учун Она-Ватандан улугроқ, ўз оиласидан севиклироқ макон йўқ.

Боболаримиз: «Киши ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл!»- демишлар. Буюк мутафаккирларимизнинг фикрича биз туғилган юртимиздан узоқ кетсак, бизни тортиб келадиган қувват ватанимизнинг, она тупроқнинг меҳру муҳаббатидир.

Алишер Навоий демишлар: Ватан таркини бир нафас айлама, яна ранжу ғурбат ҳавас айлама. «Ватан остонадан бошланади», - дейди доналар. Ҳақиқатдан ҳам остонадан буёғи ўз уйимиз, ўлан тўшагимиз.

Гўдаклигимиз, болалигимиз шу уйда кечган, шу ерда онамиз алласини эшитганмиз, унинг меҳр-шафақатини, муҳаббатини дилимизга жо қилганимиз.

Биз ҳаётда ватанпарвар сўзини кўп ишлатамиз. «Ватанпарвар бўлинг» деб атаймиз. Уларни ватанпарварликка ундаймиз. Ватанпарвар – ўзи ким? «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўз Ватанини, халқини чексиз севувчи, Ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи, деб изоҳланган.

Пайғамбаримизнинг ҳадисларида ҳам «Ватанни севоқ иймондандир» - дейилган.

Миллий қаҳрамонимиз Широқ ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, Ватанига бостириб келаётган Эрон аскарларини жазирама чўлу-биёбонларга бошлаб боришини эсланг. Душманлар чўлнинг қизиб ётган қумларида қаттиқ озоб тортадилар, қум бўронлари юзлаб эронликларни ҳалок қилади. Широқ душман аскарларини саҳро исканжасига бошлаб бораверади. Душманлар: «Широқ, сен ақлдан озибсан, бизни қаерга бошлаб келдинг?» деб бақирадилар. Широқ мағрурлик билан туриб: «Йўқ, бойлик орттириш

мақсадида қурол кўтариб бегона юртга бостириб келаётган, тинч халқларни талаётган кишилар ақлдан озган» - дейди.

Душманлар унга қимматбаҳо буюмлар ваъда қиладилар, оёғи остига тилла тангаларни бисёр сочиб, бизни қутқаргин, дея илтижо қиладилар, лекин Широқ бу бойликлар учун иймонини сотмайди. Ватан учун жонини фидо қилади.

Ота-боболаримиз ватанидан узоққа кетаётганларида шу юрт тўпроғидан бир чимдим рўмолчага тугиб олиб, ёнларида олиб юрганлар. Чунки улар Ватан ишқи билан яшадилар.

«Ватанни астойдил ҳимоя қилган киши - қаҳромон. Меҳнатда сидқидилдан ўзини кўрсатган ва янгилик яратган киши меҳнат қаҳромони. Ўқувчилар-чи? Аъло ўқиб, одобли бўлиб, мактабни имтиёзли шаҳодатнома билан тугатган ўқувчи ҳам чинакам қаҳромондир, у ажойиб ватанпарвар ҳисобланади».

Биз ўқувчиларни ўқиш дарсларида миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳда тарбиялашнинг назарий асосларини кўриб чиқдик. Энди уни дарс жараёнида амалга ошириш омили сифатида 4-синфда ўқиш дарсидан ўтказиладиган бир соатлик дарс жараёнини кўриб чиқамиз.

### **Мавзу: «Шоира» ҳикояси**

Дарснинг таълимий мақсади - ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш, уларни мустақил ва эркин фикрлашга йўналтириш, (тарбиявий) умуминсоний қадриятлар ғояларини дарснинг ҳар бир босқичида сингдириш, ўқувчиларда ўзаро дўстлик, бир-бирига ҳурмат, аҳиллик ҳислатларини тарбиялаш.

**Дарснинг усули:** Аралаш усул.

Ташкилий қисм суҳбат асосида ўтказилади. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга уйга қўшимча вазиф килиб бериб юборган Абу Али Ибн Синонинг саломатлик учун муҳим ҳикматларидан сўрди:

- Соғ танда-соғлам ақл;
- Ким ҳаракатда, соғлам албатта;

- Юрмоқлик ифлос, касалга асос;
- Озода ҳовли, касалдан ҳоли;

Ўқувчилардан бири барча айтилган амалларга риоя қилиб, тоза-озода юриш тартиби ўқувчининг сифатлари эканлигини айтиб, дарснинг бу қисмида яқун ясайди.

Ўтилган «Итлар нега зорланади?» мавзусини мустаҳкамлашга киришилади. Ўқитувчи уч гуруҳга ажратилган синф ўқувчиларига мавзу юзасидан савол карточкаларини тарқатади.

1. Итлар нима учун тоққа чиқиб кетишмоқчи бўлди?
2. От уларга нима деб маслаҳат берди?
3. Итларнинг зорланиши сабабини ўз сўзингиз билан тушунтириб беринг.
4. Ҳикоядан чиқадиган хулоса қандай?
5. Воқеани инсонлар ҳаёти билан таққосланг.
6. Сизнинг ялқовлик ҳақидаги фикрингиз?

Жавоблар тинглангач, ўқувчилар уйга берилган вазифа, яъни меҳнаткашлик ҳақида ўз изланишлари орқали топиб келган мақолларини айтишади:

- Ватани борнинг бахти бор, меҳнати борнинг тахти бор;
- Ҳунаринг-савлатинг, меҳнатинг – давлатинг;
- Меҳнат муродга етказар, ҳасад – касодга.

Сўнгра ўқувчилар тўрт образ – муаллиф, от, този ит ва кичик ит ролларига бўлиниб, ҳикояни сахна кўриниши орқали намойиш қилишди. Ҳикояга синф хулоса ясайди.

Гар соадат истар эрсанг, меҳнат айла эй, ўғлон, Бўлма ялқов, бу насиҳатга қулоқ сол, эй ўғлон.

Ўқитувчи шу жараёнда энг яхши иштирокчи 3 балл (атиргул) билан баҳоланишини ва дарс сўнгида ҳар бир гуруҳ гулларининг ҳисоби олинишини айтиб сахнадагиларни рағбатлантирди.

Ўқитувчи: Болажонларим, бугун сизлар менга ялқовликнинг ёмонлиги, меҳнатсеварликнинг улуғланиши борасида янги-янги маълумотлар ўрганиб, айтиб беридингиз. Энди эса мен сизларга дарслигимиздаги янги - «Шоира» мавзусини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Мана, бу бобомиз Ҳаким Назирнинг сурати. Ҳурматли адибимиз болалар учун жуда кўплаб асарлар ёзган. Демак, «Шоира» ҳикоясининг муаллифи ҳақида ким нима билади. Аввал адибнинг қандай асарлари билан танишганимиз?

(Ўқувчилар билганларини гапирадилар.)

Ўқитувчи сана ва мавзуни, унинг режасини ўқувчилар дафтарига ёздиради. Режа қуйидагича тузилди:

1. Шоиранинг алдови.
2. Шоиранинг баҳоси пасайди.
3. Ойиси унга ишонқирамади.
4. Сир очилди.
5. Бемор кампир билан суҳбат.
6. Ҳалима опа қизидан мамун бўлди.

Аввало, ҳикоянинг сўзлаб берилган ва сахна варианты видиотасма орқали ўқувчилар эътиборига тақдим қилинади. Фақат бу икки кўринишда ҳам ҳикоя яқунланмай қолган.

Ўқитувчи: қани болажонлар, эътибор қилган бўлсангиз ҳикоямиз ҳали тугалланмади. Унга қандай яқун яшаш мумкин? қани, ҳар биримиз мустақил фикр юритиб кўрайликчи, унинг охири қандай бўлиши мумкин?

Тўрт-беш ўқувчининг эркин фикрлари тинглангач, ўқувчилар матнни китобдан навбати билан тўлиқ ўқиб чиқишади.

Ўқитувчи: Энди болалар ҳикоямизни эртақ шаклига ўгириб, бирма-бир занжир ўйини орқали уни давом эттираемиз. Ўйинни мен бошлаб бера қолай. Бир бор эакн, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда чумчуқ чақимчи экан, қарға чақимчи экан...

Ҳар бир бола ўз фантазиясидан келиб чиқиб эртаски турли сюжетлар билан бойитди. Бу усул бола фаоллиги, ижодкорлигини, нутқини ривожлантиришга хизмат қилганлигини айтиш жоиз.

Ана шундай қизғин шароитда ўқувчилар саволли карточкаларга эга бўладилар ва жавоблари эвазига гулларни қўлга киритишади.

Саволлар қўйидагича эди:

1. Шоиранинг қандай фазилатларидан ўрнак олиш керак?
2. Шоира нима учун Қутбига ёрдам беришини онасидан сир тутди?
3. Онаси қизининг хатти-ҳаракатларини қандай қабул қилди?
4. Сиз Шоиранинг ўрнида бўлганизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз?

Матндаги икки сўзнинг маъноси, мазмунини ўқитувчи болаларга содда тилда тушунтириб берди.

Улар: Бадар – узоқ кетдинг, кўп вақт кўринмай қолдинг. /ужғон – болаларнинг тўп бўлиб ўйнадиган ўйин тури.

Ўқитувчи барча гуруҳларни тўплаган гулларини ҳисоблаб, кейинги босқичда хушёр бўлишга ундади ва ўқувчиларга тест саволлари тарқатилди. Ўқувчилар яна бир даста гулни эгаси бўлдилар.

Дарснинг якуний қисмида мавзу юзасидан хулоса ўқувчилар томонидан баён қилинди. «Яхшилик учун қалқон бўламиз». Шоира мен орзу қилган қиз мавзусида иншо ёзиш топширилди.

Бошланғич синф ўқувчиларида умуминсоний қадриятларни шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларини олиб борилди.

Бунда биз асосий эътиборни бошланғич синфларни барча дарсларда ўқувчи эгаллаган билим билан бирга умуминсоний қадриятлар юзасидан олинган билимларини қай даражада ўзлаштирганликларига қаратдик.

Тажриба-синов ишлари қўйидаги синфларда олиб борилди.

	Мактаб	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи		Жами ўқитувчилар сони
		синф	Ўқувчилар сони	синф	Ўқувчилар сони	
1	4	3 <sup>a</sup>	31	3 <sup>b</sup>	31	62
2	4	4 <sup>a</sup>	30	4 <sup>b</sup>	30	60
	<b>Жами</b>	<b>2 та</b>	<b>61</b>	<b>2 та</b>	<b>61</b>	<b>122</b>

Тажриба-синов ишларини бошлашдан аввал биз ўқувчиларда умуминсоний қадриятлари қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида синов ўтказдик. Синов натижалари қуйидагича бўлди. Жадвал-2

	Мактаб	Тажриба гуруҳи					Назорат гуруҳи					Жами
		Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	
1	4	3 <sup>a</sup>	11	15	5	31	3 <sup>b</sup>	10	14	7	31	62
2	4	4 <sup>a</sup>	10	16	4	30	4 <sup>b</sup>	10	12	8	30	60
	<b>Жами</b>	<b>2 та</b>	<b>21</b>	<b>31</b>	<b>9</b>	<b>61</b>	<b>2 та</b>	<b>20</b>	<b>26</b>	<b>15</b>	<b>61</b>	<b>122</b>

Тажриба гуруҳи танлаган синф ўқувчиларининг дарсда, синфдан ва мактабдан ташқарида умуминсоний қадриятлар ғоясидан олган билимлари ўрганилади. Уларга ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳаллолик, поклик, софлик, садоқат каби эзгу ғояларни сингдириш ҳолатлари кузатилди. Бир ойлик суҳбат, кузатиш ва тажриба натижалари қуйидагича бўлди.

Жадвал-3

	Мактаб	Тажриба гуруҳи					Назорат гуруҳи					Жами
		Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	

1	<b>4</b>	3 <sup>a</sup>	6	15	10	<b>31</b>	3 <sup>B</sup>	9	14	8	<b>31</b>	<b>62</b>
2	<b>4</b>	4 <sup>a</sup>	5	17	8	<b>30</b>	4 <sup>B</sup>	8	12	10	<b>30</b>	<b>60</b>
	<b>Жами</b>	<b>2 та</b>	<b>11</b>	<b>32</b>	<b>18</b>	<b>61</b>	<b>2 та</b>	<b>17</b>	<b>26</b>	<b>18</b>	<b>61</b>	<b>122</b>

Бу кўрсаткичларни фоиз ҳисобида кўрсатсак.

Жадвал-4

	Мак-таб	Тажриба гуруҳи					Назорат гуруҳи					Жами
		Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	
1	<b>4</b>	3 <sup>a</sup>	1,9 %	4,8%	3,3%	<b>10</b> %	3 <sup>B</sup>	2,9 %	4,5%	2,6 %	<b>10</b> %	<b>62</b>
2	<b>4</b>	4 <sup>a</sup>	1,7 %	5,6%	2,7%	<b>10</b> %	4 <sup>B</sup>	2,7 %	4 %	3,3 %	<b>10</b> %	<b>60</b>
	ами	<b>2 та</b>	<b>3,6</b> %	<b>10,4</b> %	<b>6,0%</b>	<b>20</b> %	<b>2 та</b>	<b>5,6</b> %	<b>8,5%</b>	<b>5,9</b> %	<b>20</b> %	<b>122</b>

Тажриба-синов ишлари шуни кўрсатадики, ўқувчида миллий ва умумбашарий қадриятларин шакллантириш учун албатта, ҳар бир дарс мавзусидан келиб чиққан ҳолда уларга таълим бериш билан бирга бирор ижобий ҳислат ҳақида маълумот бериш ва ўқувчини бу ҳислатга эга бўлишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

### **Хулоса ва методик тавсиялар**

Мустақил Ўзбекистонимизни келажак истиқболини белгилаб бериш, уни дунё ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш сўзсиз бугунги кун ёш авлодга боғлиқ. Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш бу юксак орзулар сари бир қадам десак муболаға бўлмайди.

Шундай экан, бошланғич синф ўқувчиларида умуминсоний кадриятларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки умуминсоний кадриятларни шакллантириш жараёнида Ватан ва унинг тарихи, миллат қадр-қиммати, бой ўтмиш маданий меросимиз, одоб –ахлоқ масалалари, халқимизнинг миллий урф-одатлари, буюк алломалар ва уларнинг бой адабий мерослари кенг миқёсида ўрганилади.

Илмий тадқиқот ишида бошланғич синф ўқувчиларида умуминсоний кадриятларини шакллантиришнинг асослари ишлаб чиқилди. Дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда умуминсоний кадриятларни шакллантириш назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

Дарс машғулотларида бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний кадриятларни тарбиялашнинг ташкилий-услубий йўналишлари ишлаб чиқилган. 1-4 синфларнинг ўқиш дарслигига киритилган XIX аср шоир ва ёзувчиларининг ижод намуналари ҳам маънавий баркамоллик манбаи эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Бу борада, бошланғич синфларда умуминсоний кадриятларни шакллантиришда ижодкор, билимдон ўқитувчиларнинг ўрни беқиёс эканлиги

кўрсатиб ўтилади. Бошланғич синфларда умуминсоний кадриятларни шакллантириш тажрибалари ўрганилади.

Бой тарихимизга назар ташланиб, донишманд аждодларимиз сиймосида - маънавиятимизнинг асл дурдоналари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажриба-синов ишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, бошланғич синф ўқувчиларни умуминсоний кадриятларни тарбиялашда қўйидагиларга амал қилиш лозим.

- Бошланғич таълим жараёнини аниқ мақсад асосида, узлуксиз, изчил ва тизимли ташкил этиш;
- Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний кадриятларини руҳда тарбиялашнинг шакл ва услубларини ишлаб чиқиш;
- Илғор педагогик технологияларнинг энг замонавий усулларида унумли фойдаланиш;
- Ўқитувчининг малакаларини оширишни ва ўз устида мунтазам ишлашларини таъминлаш.

Тадқиқот иши натижасида қўйидаги хулосаларга келдик:

Бошланғич синф ўқувчиларида умуминсоний кадриятларни шакллантиришда бошланғич таълимнинг мазмун-моҳияти катта аҳамиятга эга.

Умуминсоний кадриятларни шакллантириш асосида ўқувчиларда она ватанга муҳаббат, муқаддас заминга ҳурмат, миллий ғурур, одоб-ахлоқ, дўстга садоқат, юксак ахлоқий фазилатлар шакллантирилади. Бу эса мафкурамизнинг асосини ташкил қилади.

Таълим тизимига эътибор кучайтирилиши, компьютерлардан, янги педагогик технологиялардан, бошланғич таълимнинг энг илғор тажрибаларидан унумли фойдаланиш зарур.

Таълимни тарбия билан узвий боғлаб, синфдан ташқари ишларни таълим жарёни билан узвий алоқада ташкил этиш орқали ўқувчилар

маънавий дунёсини бойитиш, дарс самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Олиб борилган тадқиқот ишимиз натижаларига асосан қўйидаги тавсияларни тақдим этиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир;
- Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, миллатига садоқат, миллий кадриятларга, анъаналарга ва аجدодларга, халқига, она-табиатга илиқ муносабат, миллий одоб ҳамда қоидаларга риоя қилиш сингари ҳислатларни шакллантирувчи услубий мажмуалар яратиш;
- Республикамизда бошланғич синф ўқувчиларига маънавий-ахлоқий тарбия беришда соғлом муҳит устиворлигига эришиш;
- Таълим ва тарбиянинг узулуксизлигига аҳамият бериш;
- Таълим ва тарбия жараёнида бола руҳиятини тарбиялаш;
- Таълим жараёнида тарбия самардорлигини ва таълим кудратини ошириш;
- Таълим-тарбияни дунёвий таснифда шакллантириш;
- Ватан равнақи йўлида ҳалол ва фидокорана меҳнат қилиш руҳида тарбиялаш.;
- Меҳнат фахрийлари ва илғорлари, илм-фан ходимлари, ижодкорлар, приу бадвалат қариялар билан учрашувлар ташкил этиш;
- Сухбат, мунозара, маърузалар, эрталиклар, мусобоқалар уюштириш, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳамда болалар онгини ўстирувчи асарлардан фойдаланиш;
- Бошланғич таълим фанлари мазмунига миллий ва умумбашарий кадриятларни сингдириш;

- Ўқувчиларда умуминсоний қадриятларни шакллантиришга қаратилган илғор педагогик технологияларни замонавий усуллари топиш ва уни амалиётга жорий этиш;
- Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятларни тарбиялашда умуминсоний, миллий маънавий қадриятлар, ўзбек халқнинг урф-одатларидан фойдаланиш;
- Машғулотлар жарёнида ўқувчиларда умуминсоний қадриятларни шакллантиришда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- Бошланғич синф ўқувчиларида умуминсоний қадриятларни шакллантириш мазмуни, иш шакллари ва услубларини белгилаб берувчи педагогик принциплар, яъни тарбиянинг ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги, жамоада тарбиялаш ва жамоага суяниб иш кўриш, ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, тарбия жараёнининг яхлитлиги, тарбиявий таъсирларнинг бирлигига эришиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий замини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш» га давлат этади.

Бу дастлаб кичик ёшдаги болалар қалбини мунаввар этиш унинг руҳини соғломлаштириш, ахлоқан пок бўлишига эришиш орқали амалга оширилади ва уларни буюк мақсадлар сари интилишга ўргатади.

Бошланғич таълим жараёнида олиб борилган кузатиш ишлари ва педагогик тажрибаларимизни хулоса қилиб, шуни айтиш керакки, бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятларни тарбиялашда қуйидагиларни тавсия қиламиз.

1. «Ўқиш» дарсларида ёзувчиларни таржимаи ҳоли ва асарларини ўрганишда умуминсоний қадриятларига оид саволлар, муаммолар қўйиш йўли билан дарс жараёнини ташкил қилиш.
2. Ўқувчиларга мавзуларни ўтгач, улардан онгимизни бойитишга хизмат қиладиган, ўқувчига маънавий озиқа берадиган мисолларни топиб келишни вазифа сифатида топшириш.
3. Ҳар бир мавзу ўтиляётганда ўқувчини умуминсоний қадриятларни тарбиялашга таъсир этувчи мисолларни топишга ўргатиб бориш.
4. Ўқувчиларни умуминсоний қадриятларни тарбиялашга доир мавзулар асосида саволлар тузишга ўргатиш.
5. Дарс жараёнида ўқувчиларни умуминсоний қадриятларни тарбиялашга доир кўرғазмалар, техник воситалар ва адабиётлардан фойдаланиш.
6. Дарс жараёнида ўқувчиларни умуминсоний қадриятларни тарбиялашда уларни олдиндан шунга тайёр туришларига эришиш.
7. Ҳар бир дарсда ўқувчиларни умуминсоний қадриятларни тарбиялашга хизмат қиладиган асар қаҳрамонлари, уларнинг маънавий қиёфаларини очиб берувчи қисқа суҳбатлар ўтказиб бориш.
8. Умуминсоний қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини ўқувчиларга чуқур тушунтириш.

Бошланғич синфларни умуминсоний қадриятларни тарбиялашга эришилса, уларни табиатга нисбатан қарашлари ўзгаради. Улар ўз атрофида содир бўлаётган воқеаларга онгли муносабатда бўлади, уларни таҳлил қилади, керак бўлса хулосалар чиқаради.

Мавзуларни ўрганиш жараёнида ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, эркин ва мустақил фикр юритиш, ифодали ва равон сўзлаш ҳам унинг маънавиятининг бир бўлаги эканлиги сингдирилади.

Мавзулар билан боғланган ҳолда ўз худудларидаги тарихий обидалар, уруш фахрийлари, меҳнат фахрийлари билан таништирилиб, улар билан суҳбатлар уюштирилиб ўқувчининг маънавий дунёси бойитилади.

Биз бугунги кунда мустақиллик туфайли янги жамият барпо этдик.

Бу жамиятнинг келажаги истиқболи шубҳасиз, бугунги кун ёшларининг қўлида. Шу боис биз ўз ишмизга масъулият билан ёндашиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом авлодни шакллантиришга эришишимиз зарур.

Бугунги кунда ушбу муаммони ҳал этиш учун амалга ошириш зарур бўлган вазифалар:

- Маънавий-баркамол ёшларни тарбиялашда халқ оғаки ижоди, миллий урф-одат ва анъаналар, диний таълимотлар, буюк мутафаккирларимизнинг асарлари, халқимизнинг серқирра ва муштарак маданиятини ўрганиш;
- Бошланғич таълим жараёнини такомиллаштириш, бошланғич синф ўқитувчилар жамоасини мустаҳкамлаш, мактабда соғлом маънавий муҳит яратиш, бошланғич синфлар ўқитувчилари услуб кенгаши ишини тўғри йўлга қўйиш, назоратни кучайтириш;
- Ўқувчиларни мустақил ва эркин фикр юритишга ўргатиш, уларда халқимизнинг аҳиллик, тенглик, адолат, сахийлик, ҳурмат, ватанпарварлик, инсонийлик мафкурамизнинг нозик томонларини шакллантириш;
- Мактабда турли хил тадбирларни ўтказиш, уларга барча ўқувчиларни жалб қилиш, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш - ёш авлодни маънавий баркамол шахс сифатида камол топишида муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади. Уларда миллий ва умумбашарий қадриятларни шакллантириш масъулиятини оширади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т: 2011
1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: «Шарқ»,1998.
2. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. - Т.: «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин., 2-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт -пировард мақсадимиз. – Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 77 бет.
5. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4–жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. Каримов И.А. Жамятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. 1998., № 2.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: «Мулоқат» журнали, 1998. № 5.
9. Каримов И. А. Хафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, 6-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1999.
10. Каримов И. А. Маънавият юксалиш йўлида. –Т.: «Ўзбекистон»,

1998. 480 бет

11. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
12. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
13. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва яшаш-давр талаби. 5-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.
14. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
15. Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкамлаш иродасига ишонаман. -Т.: «Фидокор», газетаси 2000.
16. Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. 2-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
17. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.
18. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
19. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1993.
20. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси.-Т.: Қомуслар бош таҳрияти, 1997
21. Алпомиш: Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. –Т.: «Шарқ», 1998
22. Амир Темур «Темур тузуклари», -Т.: /./улом номидаги адабиёт ва санъат нашириёти. 1996.
23. А. Навоий «Махбуб ул-қулуб», -Т.: 1987
24. Абдуллаева А., Сафарова Р., Бикбоева Н., Бахромова У. Бошланғич таълим давлат таълим стандартлари. Бошланғич таълим журнали, 1998., № 6
25. Абдуллаева А., Сафарова Р., Бикбоева Н., Бахромова У. Бошланғич таълим концепцияси. Бошланғич таълим журнали, 1998. № 6

26. Абдуллаева Қ. Одобнома дарсларини ташкил этиш. Бошланғич таълим журнали. 2002. №1
27. «Жаллодин Мангуберди», –Т.: «Шарқ», 1999.
28. Гегел «Философия прово». Москва, «Мисл» нашириёт, 1997.
29. «Геополитика и мировое развитие», Москва, 1995.
30. З. М. Бобур «Бобурнома» -Т.: «Чўлпон», 1989.
31. Имом Бухорий «Ҳадис» 4-жилдлик. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992.
32. Конфутский «Уроки мудрости». Москва. «Ноука», 1998
33. Маънавият юлдузлари. –Т.: А. Қодирий номидаги нашриёт, 1999.
34. Махмудов О. Ватанпарварлик олий туйғу. Бошланғи таълим журнали. 2005. № 4.
35. Соғлом авлод-бизнинг келажагимиз. –Т.: Ибн Сино номидаги наширёт, 2000.
36. Сафарбоев М. Тарих воситасида миллий ғурурни тарбиялаш. -Т., Халқ таълими, 2004. № 3. 4-бет.
37. Қуръони карим – Т.: «Чўлпон», 1993.
38. Қурбонов Ш., Э. Сейтхалилов ва бошқалар. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий–услубий ёндашувлар. Тошкент, “Академемя”. 2002

*Интернет материаллари*

1. WWW. ip kpol aaa net. Ru
2. WWW. iet. mesi. Ru
3. WWW. adpima. Com